

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

29-сон
(1049)
2022 йил
июль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkazilgan норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

257. «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 22 июлдаги ЎРҚ-784-сон Конуни

Иккинчи бўлим

258. «Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини кўллаб-куватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 июлдаги ПҚ-323-сон қарори

259. «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тизимили ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 июлдаги ПҚ-330-сон қарори

Учинчи бўлим

260. «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июлдаги 391-сон қарори
261. «Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш буйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурӣ регламентини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 июлдаги 395-сон қарори
262. «Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 июлдаги 398-сон қарори
263. «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 июлдаги 399-сон қарори

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

257 Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 28 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши ичимлик сувини қадоқланган тарзда, товар белгисидан ва хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланган холда ишлаб чиқаришга ҳамда реализация қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

2-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчилик

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда кўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

истеъмолчи — ичимлик суви таъминоти ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлардан фойдаланувчи жисмоний ёки юридик шахс;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 23 июлда эълон қилинган.

ичимлик суви — организмнинг ичимлик сувига бўлган талабини, шунингдек санитарияга оид эҳтиёжларни қаноатлантириш учун санитария қоидалари, нормаларига ва гигиена нормативларига, давлат стандартларига мувофиқ тайёрланган, инсон соғлиги учун хавфсиз бўлган сув;

ичимлик суви иншооти — ичимлик суви таъминоти ташкилотининг тасарруфида бўлган, сув объектидан сув олиш ва уни ичимлик суви сифатида тайёрлаш учун технологияларни ўз ичига олган иншоот;

ичимлик суви таъминоти — ичимлик сувини ичимлик суви таъминоти тармоқлари орқали ва (ёки) транспортда истеъмолчиларга етказиб бериш;

ичимлик суви таъминоти ташкилоти — фаолиятининг асосий тури истеъмолчиларга ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқарип юбориш бўйича хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган ҳамда маҳсус ваколатли давлат органи томонидан ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг реестрига киритилган юридик шахс;

ишлаб чиқариш оқова сувлари — товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ҳосил бўладиган оқова сувлар;

коммунал-экологик норматив — ишлаб чиқариш оқова сувларни оқизиб юборишнинг истеъмолчилар учун йўл қўйиладиган энг юқори кўрсаткичларини тартибга солувчи ҳужжат;

локал тозалаш иншооти — оқова сувларни оқова сувларни чиқарип юбориш тармоқларига оқизиб юборишдан олдин дастлабки заарисизлантириш ва тозалаш учун мўлжалланган иншоот;

маиший оқова сувлар — инсоннинг ҳаёт фаолияти жараёнида ҳосил бўладиган оқова сувлар;

оқова сувлар — сувни истеъмол қилиш ва (ёки) ундан фойдаланиш натижасида ҳосил бўладиган ҳамда оқова сувларни чиқарип юбориш тармоқлари орқали оқизиб юбориладиган сув;

оқова сувларни тозалаш иншооти — ичимлик суви таъминоти ташкилотининг тасарруфида бўлган, оқова сувларни қабул қилиш ва уларни белгиланган талабларга мувофиқ заарисизлантирган тарзда сув обьектларига оқизиб юбориш учун мўлжалланган иншоот;

оқова сувларни чиқариб юбориш — оқова сувларни ичимлик суви таъминоти ташкилотининг тасарруфида бўлган оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига қабул қилиш ва уларни оқова сувларни тозалаш иншоотларига чиқариб юбориш;

техник шарт — жисмоний ва юридик шахсларни ичимлик суви таъминоти ҳамда (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига улаш учун улар томонидан ижро этилиши лозим бўлган тадбирлар рўйхатини ўз ичига олган ҳужжат.

4-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқарип юбориш соҳасидаги асосий принциплар

Қонунийлик, очиқлик ва шаффоффлик, истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг устуворлиги, замонавий ахборот технологияла-

рини жорий этиш ва ривожлантириш ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги асосий принциплардир.

5-модда. Ичимлик суви таъминоти хизматларига доир кафолатлар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истеъмолчиларнинг белгиланган сифатдаги ичимлик суви билан истеъмол нормалари доирасида таъминлашини кафолатланади.

Ичимлик сувининг истеъмол нормаларини белгилаш қонунчиликда белгиланган тартибда, умумэътироф этилган стандартлар ва таснифларга мувофиқ амалга оширилади.

6-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат-хусусий шериклик

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат-хусусий шериклик «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасини тартибга солиш

7-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий ўналишлари

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий ўналишлари қўйидагилардан иборат:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларининг хавфсиз ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва автоматлаштирилган рақамлаштириш тизимларини жорий этиш;

ресурсларни тежайдиган технологиялар жорий этилишини қўллаб-куватлаш;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича сифатли хизматлар кўрсатиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларини модернизация қилиш ҳамда ичимлик суви таъминоти ташкилотларини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида инвестицияларни жалб этиш;

соғлом рақобат мухитини яратиш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

норматив-хукуқий ҳужжатларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши устидан назорат ҳамда мониторингни амалга ошириш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматларнинг ҳисобга олинишини ташкил этиш;

техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларининг бажарилишини таъминлаш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳаси-ни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ўз ваколатлари доирасида норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қиласиди;

давлат бошқаруви органларининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи ҳамда унинг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда маҳсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Маҳсус ваколатли давлат органи:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги дастурлар, стратегиялар ҳамда концепцияларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олинишини мониторинг қилиш учун янгилаб бориладиган электрон базани доимий асосда юритади;

аҳоли пунктларини ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқа-

риб юбориш бўйича хизматлар билан таъминлаш учун давлат ижтимоий буюртмаларини беради;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатилишида хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида кенгайтириш чораларини кўради;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни ўз ваколатлари доирасида қабул қиласди;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги тариф сиёсатини шакллантиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасидаги ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларини ривожлантиришнинг бош схемаси ишлаб чиқилишини таъминлайди;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ташкил этади ҳамда мувофиқлаштиради;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида кадрларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қиласди ҳамда уларни тайёрлашда иштирок этади;

ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг реестрини юритади ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради, улар фаолияти самарадорлигининг асосий мезонларини белгилайди ва баҳолайди;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини давлат капитал маблағлари ҳамда давлат кафолатлари остида жалб этилган чет эл инвестициялари ҳисобидан таъминлайди;

ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотларини технологик аудитдан ўтказишни ташкил этади ҳамда сувни тежаш бўйича зарур чораларни белгилайди;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари учун сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини ҳисоб-китоб қилиш тартибини, шунингдек уларнинг йўл қўйиладиган нормаларини (лимитларини) белгилайди;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган хужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қиласди;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш обьектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга доир аниқ йўналтирилган дастурларни ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларини ривожлантириш режалари асосида шакллантиради;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш обьектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга доир аниқ йўналтирилган рўйхатларни ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан таъминланишини истиқболли прогноз қилиш мақсадида мувофиқлаштиради;

халқаро молия институтлари ҳамда халқаро давлат молия институт-

лари иштирокида амалга ошириладиган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ҳамда лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиши, келишиб олиш ва тасдиқлаш чораларини кўради, шунингдек лойиҳаларни молиялаштиришни амалга оширади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларнинг рӯёбга чиқарилиши мониторингини маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат назорати органи ҳамда унинг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг худудий инспекциялари ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи орган-дир (бундан бўён матнда давлат назорати органи деб юритилади).

Давлат назорати органи:

ичимлик сувини самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш, реализация қилиш, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, шунингдек оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизматлар соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик ҳамда норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ичимлик суви иншоотларини ва оқова сувларни тозалаш иншоотларини технологик аудитдан ўтказади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларига уланишда техник шартлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади, шунингдек ушбу тармоқларга ўзбошимчалик билан уланишнинг олдини олиш бўйича чоралар кўради;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш чоғида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги ва бошқа иншоотлардаги авариялар бартараф этилишини, улар юзага келишининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қиласди;

сув объектларидан сув олишдан то истеъмолчиларга реализация қилишга қадар бўлган барча жараёнларда сувнинг технологик жиҳатдан сарфланниши ва ўқотилишининг йўл қўйиладиган нормаларига риоя этилишини назорат қиласди;

ер ости сувлари қудуқларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

истеъмолчиларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олиниши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати ва белгиланган талабларга мувофиқлиги устидан давлат назоратини амалга оширади;

ичимлик суви таъминоти ташкилотларига ҳамда истеъмолчиларга ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғига нормадан юқори даражада ифлослантирилган оқова сувларни оқизиб юборганлик учун компенсация тўловларини қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қиласида ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан ундиради;

ичимлик сувини олишнинг белгиланган лимитларига риоя этилишини назорат қиласи;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қонунчиликда белгиланган тартибда юритади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш обьектларида, шу жумладан ер ости сувлари қудукларида қурилиш-монтаж ишлари (реконструкция қилиш) устидан назорат олиб боради, лойиха-смета ҳужжатларини таҳлил қиласи;

Давлат назорати органи ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасини ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатилишига хусусий секторни жалб этишга кўмаклашади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши мониторингини амалга оширади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни тасдиқлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ичимлик суви таъминоти ва

оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Фуқароларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги тадбирларда иштирок этиши

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қонунчиликка мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

3-боб. Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари, уларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

13-модда. Ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли

Агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотлар ичимлик суви таъминоти ташкилоти сифатида фаолиятни амалга ошириши мумкин.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг реестри ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг рўйхатини ўз ичига олади ва маҳсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

14-модда. Ичимлик суви таъминоти ташкилотини бошқариш

Ичимлик суви таъминоти ташкилотини бошқариш унинг таъсис хужжатларига ва ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан қабул қилинган бошқа хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бошқариш учун жавоб берадиган ташкилот белгиланиши мумкин.

15-модда. Ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг асосий вазифалари

Ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:

ичимлик сувини тайёрлаш, шунингдек истеъмолчиларни ичимлик суви билан шартнома асосида узлуксиз ва бир маромда таъминлаш;

истеъмолчиларга шартнома асосида оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш;

оқова сувларни қабул қилиш ва уларни қонунчилик талабларига мувофиқ тозалаш;

ичимлик ва оқова сув қувурлари ҳамда иншоотларидан самарали фойдаланиш, уларни соз ҳолатда саклаш, авариялар ва носозликларни ўз вақтида бартараф этиш;

сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан истеъмол қилинаётган сувнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажмини хисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш хисобидан камайтириш;

ичимлик сувини тайёрлашда ичимлик суви иншоотлари электр энергияси билан таъминланиши учун зарур чоралар кўриш;

замонавий сувни хисобга олиш асбобларини ва энергияни тежайдиган насос ускуналарини ўрнатиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун тўловларни ўз вақтида йиғиш;

ичимлик суви ташкилотининг молиявий-иктисодий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш бўйича амалий чоралар кўриш;

ичимлик суви таъминотини ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасини ривожлантиришга, аҳолини ушбу соҳадаги хизматлар билан қамраб олишни кенгайтиришга қаратилган дастурлар, стратегиялар ҳамда концепцияларни ишлаб чиқиша иштирок этиш;

оқова сувларни тозалаш иншоотларидаги оқова сувларни ифлослантирувчи моддалар йўл қўйиладиган энг юкори нормага етказилгунига қадар тозалашни ташкил этиш;

ичимлик сувининг етказиб берилиши ва ундан фойдаланилиши мониторингини амалга ошириш;

сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишига ва йўқотилишига доир йиғма хисоботни ишлаб чиқиш ҳамда маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этиш;

юридик шахсларга ичимлик сувини етказиб бериш учун лимитлар белгилаш.

16-модда. Ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг хуқуқлари ва мажбуриятлари

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари қўйидаги хуқуқларга эга:

1) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиши қўйидаги холларда истеъмолчини камидан беш календарь кун олдин хабардор қилган ҳолда тўлиқ ёки қисман тўхтатиш:

юридик шахсларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқлари, қурилмалари ҳамда иншоотлари техник жиҳатдан яроқсиз холга келганда, ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан аниқланган техник камчиликлар бартараф этилмагандан;

кўрсатилган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун истеъмолчиларнинг қарздорлиги мавжуд бўлгандан;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқлари, ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотлари режали таъмирланаётганда, уларга профилактик жиҳатдан хизмат кўрсатилаётганда, шунингдек янги истеъмолчилар уланаётганда;

2) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиши қўйидаги холларда истеъмолчини огохлантирумасдан тўлиқ ёки қисман тўхтатиш:

табиий оғатлар чоғида;

электр энергиясини етказиб бериш ичимлик суви таъминоти ташкилоти фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда тўхтатиб турилганда;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларида, шунингдек ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотларида авария бўлгандан;

ёнғин ўчоfiga ичимлик суви етказиб беришни кўпайтириш зарур бўлгандан;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари тасарруфида бўлган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ўзбошимчалик билан уланганлиги аниқланганда;

3) оқова сувларни чиқариб юбориш жойларини, шунингдек истеъмолчиларга бериладиган ичимлик сувини хисобга олиш жойларини хар ойда камидан бир марта инвентаризациядан ўтказиш;

4) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш қоидаларининг бузилишлари тўғрисида давлат назорати органинни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиш.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматларнинг узлуксизлигини ва хавфсизлигини таъминлаши;

оқова сувларни тозалашни амалга ошириши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқлари, шунингдек ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотлари техник ҳолатининг мунтазам мониторингини олиб бориши;

ичимлик суви таъминоти тармоқларидағи ва ичимлик суви иншоотладидаги ичимлик суви сифатининг мониторингини олиб бориши;

истеъмолчиларга етказилган заарнинг ўрнини қонунчиликда белгиланган тартибда қоплаши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларида таъмирлаш ишлари натижасида шикаст етказилган обьектларни ҳамда бошқа иншоотларни тиклаши;

ичимлик суви таъминоти тизимидағи давомийлиги 12 соатдан кўп бўлган режали узиб қўйишларни ёки тўхталишларни бартараф этиш чоғида ахолини транспортда ичимлик суви билан таъминлаши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимида авариялар аниқланган кундан эътиборан бир сутка ичида уларнинг сабаблари, хизматлар чекланадиган муддатлар, шунингдек кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ўзгариши сабаблари хақида истеъмолчиларни хабардор қилиши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар ҳамда маҳсус устамалар ўзгариши тўғрисида ушбу ўзгаришлар жорий этилишидан ўн беш календарь кун олдин истеъмолчиларни оммавий ахборот воситалари орқали ва ўз расмий веб-сайтида хабардор қилиши;

сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатишнинг режалаштирилаётган тўхтатилиши хақида истеъмолчиларни беш календарь кун олдин хабардор қилиши;

биринчи навбатда жисмоний шахсларнинг, озиқ-овқат саноати корхоналарининг ва тиббиёт ташкилотларининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжлари таъминланишини амалга ошириши;

давлат назорати органи томонидан назорат тадбирларини ўтказишга кўмаклашиши;

ичимлик суви таъминоти истеъмолчиларига кўрсатилаётган хизматлар ва оқова сувларни чиқариб юбориш ҳажмини, сувни ҳисобга олиш асбобларининг ҳамда ёнгин гидрантларининг ҳолатини ойига камида бир марта ўрганиши;

давлат назорати органини ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ўзбошимча уланишнинг аниқланган ҳолла-ри тўғрисида хабардор қилиши;

маҳсус ваколатли давлат органининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги топшириклари бажарилишини таъминлаши шарт.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

17-модда. Ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг жавобгарлиги

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари:

қонунчиликка ҳамда шартнома шартларига мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича истеъмолчиларга сифатли хизматлар кўрсатмаганлик;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига белгиланган тартибда уланиш учун техник шартларни истеъмолчиларга ўз вақтида тақдим этмаганлик;

истеъмолчиларни сувни ҳисобга олиш асбобларини белгиланган муддатларда текширувдан ўтказиш ҳақида огоҳлантирганлик;

истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ҳамда мол-мулкига моддий ва маънавий зарар етказгандик;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларининг техник ҳолати учун ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг фойдаланишга доир жавобгарлиги чегаралари доирасидаги аварияларни ўз вақтида бартараф этмаганлик;

қонунчиликка ва шартнома шартларига мувофиқ ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг зиммасига юклатилган бошқа мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгар бўлади.

4-боб. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

18-модда. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари

Истеъмолчилар кўйидаги ҳуқукларга эга:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматларнинг узлуксиз ва хавфсиз кўрсатилишини, шунингдек ўз ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавф түғдирмайдиган сифатга ва миқдорга эга бўлган ичимлик суви берилишини шартнома шартларига мувофиқ талаб қилиш;

ичимлик суви таъминоти ташкилоти шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жарималар (пенялар) ва бошқа тўловлар тўланишини қонунчиликка мувофиқ талаб қилиш;

асоссиз равиша ундирилган тўловларнинг қайтарилишини ичимлик суви таъминоти ташкилотидан талаб қилиш;

ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тегишли тўловларни тўлиқ тўлаган ҳолда шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш;

ичимлик сувининг сифати тўғрисидаги ахборотни ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича кўрсатилган хизматлар учун қарздорлик ҳақидаги маълумотларни ичимлик суви таъминоти ташкилотидан бепул олиш.

Истеъмолчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19-модда. Истеъмолчиларнинг мажбуриятлари

Истеъмолчилар:

ичимлик сувидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тўловни ўз вақтида амалга ошириши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун тарифлар ошган тақдирда, олдиндан тўланган тўловнинг қайта ҳисоб-китобини амалга ошириши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидағи, иншоотлардаги авариялар ёки шикастланишлар, ичимлик сувини ҳисобга олиш асбобларидағи ва уларнинг пломбаларидағи шикастланишлар тўғрисида ичимлик суви таъминоти ташкилотини хабардор қилиши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидағи техник ҳолат учун истеъмолчиларнинг фойдаланишга доир жавобгарлиги чегаралари доирасидаги аварияларни ўз вақтида бартараф этиши;

сувни ҳисобга олиш асбобларининг аниқ қўрсаткичларини ичимлик суви таъминоти ташкилотларига ўз вақтида тақдим этиши;

ишлаб чиқариш оқова сувларидаги ифлослантирувчи моддаларнинг локал тозалаш иншоотларида белгиланган нормативларга қадар тозаланишини таъминлаши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлардан фойдаланиш учун рухсат этилган нукталарга уланиши шарт.

Истеъмолчиларнинг зиммасида конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

5-боб. Ичимлик суви таъминоти манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш. Ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотларининг санитария-муҳофаза зоналари

20-модда. Ичимлик суви таъминоти манбалари

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, давлат стандартларига мувофиқ бўлган сув объектлари биринчи навбатда ичимлик суви таъминоти эҳтиёжлари учун фойдаланишга берилади.

Ер ости сувлари захиралари кам бўлган тақдирда, улар техник-иктисодий асосга мувофиқ ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан сунъий равишда тўлдирилиши керак.

21-модда. Сув объектларидан ичимлик суви таъминоти эҳтиёжлари учун фойдаланиш

Ичимлик суви таъминоти эҳтиёжлари учун биринчи навбатда ер усти сув объектларидан, кейин эса ер ости сув объектларидан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ичимлик суви манбаларининг етарлилиги тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг улар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига,

давлат стандартларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларига мувофиқ фойдаланилади.

22-модда. Ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотларининг санитария-муҳофаза зоналари

Ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотларининг, ичимлик суви учун сув олиш жойларининг санитария-муҳофаза зоналарини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларининг муҳофаза қилинадиган зоналари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Ичимлик суви учун сув олиш, ер усти ҳамда ер ости манбалари жойларида жойлашган санитария-муҳофаза зоналаридаги ичимлик суви таъминотига тааллуқли бўлмаган хўжалик фаолиятини амалга оширишга ҳамда саноат ва фуқаролик обьектларини (бинолар ва иншоотларни) қуришга йўл кўйилмайди.

6-боб. Ичимлик сувини тайёрлаш ва етказиб бериш

23-модда. Ичимлик суви иншоотларининг тоифалари

Ичимлик суви иншоотларининг тури ва схемасини танлаш жойнинг ва сув обьектларининг геологик, гидрогеологик ва санитария шарт-шароитларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Ичимлик суви иншоотлари сув таъминоти даражаси бўйича қўйидаги тоифаларга бўлинади:

I тоифа — хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони 50 мингдан ортиқ;

II тоифа — хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони 5 мингдан 50 минггача;

III тоифа — хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони 5 минггача.

24-модда. Ичимлик суви иншоотларида ичимлик сувини тайёрлашнинг технологик босқичлари

Ичимлик сувини тайёрлаш сув обьектидаги сувнинг сифати, ичимлик суви иншоотининг қуввати ва унинг географик жойлашуви ҳисобга олинадиган ҳолда амалга оширилади.

Ер усти сув обьектларидан олинадиган ичимлик сувини тайёрлашнинг технологик босқичлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

сув лойқалигини тиндиришни;

сувни сизотлашни ҳамда заарсизлантиришни;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, давлат стандартлари талабларига мувофиқ ичимлик сувини тайёрлашни (ишлаб чиқаришни).

Ер ости сув обьектларидан олинадиган ичимлик сувини тайёрлашнинг технологик босқичлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

сувни тортиб чиқаришни;
сувни заарсизлантиришни;
санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, давлат стандартлари талабларига мувофиқ ичимлик сувини тайёрлашни (ишлаб чиқаришни).

25-модда. Ичимлик сувининг сифати

Ичимлик суви эпидемиологик, радиациявий ва кимёвий жиҳатдан хавфсиз бўлиши керак.

Сув объектларидан олинадиган сувнинг ва тайёрланган ичимлик сувининг таркибига доир талаблар, шунингдек таҳлил ўтказиш муддатлари ҳамда таҳлилларнинг турлари давлат стандартларига мувофиқ белгиланади.

Ичимлик суви сифатининг таҳлили ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг лабораторияларида амалга оширилади. Ичимлик суви таъминоти ташкилотларида лабораториялар мавжуд бўлмаган тақдирда, ичимлик суви сифатининг таҳлили шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ёки давлат назорати органининг лабораторияларида амалга оширилади.

Ичимлик сувининг сифати устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва давлат назорати органи томонидан амалга оширилади.

26-модда. Лабораториялар ваколатларини тасдиқлаш

Ичимлик суви сифатининг таҳлили ўтказиладиган лабораторияларнинг малакалилиги ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

27-модда. Ичимлик сувини етказиб бериш

Ичимлик суви истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари учун ичимлик суви таъминоти тармоқлари ёки транспортда етказиб берилиши мумкин.

Ичимлик суви таъминоти тизимлари масофадан маълумот узатувчи замонавий ҳисобга олиш асбоблари ва манометрлар билан жиҳозланади ҳамда ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан диспетчерлик хизматлари орқали бошқарилади.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари авариялар ва носозликларнинг олдини олиш мақсадида ичимлик суви таъминоти тармоқлари, иншоотлари ва ускуналарини мунтазам равишда техник текширувдан ўтказади.

28-модда. Ичимлик суви таъминоти хизматларини кўрсатиш чегаралари

Ичимлик суви таъминоти ташкилоти ичимлик суви таъминоти тармоғининг истеъмолчига тегишли худудга кирган қисмига (кўп қаватли ўйларнинг киравчи қисмига) қадар жавобгар бўлади ва мазкур чегарага қадар хизматлар кўрсатади.

Кўп квартирали уйни бошқариш органи ичимлик суви таъминоти тармоғининг кўп квартирали уйларга кирган қисмидан то истеъмолчига тегишли ҳудудга қадар жавобгар бўлади ва унга хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

Истеъмолчилар ўзига тегишли ҳудуддаги ичимлик суви таъминоти тармоғи учун жавобгар бўлади.

7-боб. Оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш

29-модда. Оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидан ва оқова сувларни тозалаш иншоотларидан фойдаланиш

Оқова сувлар истеъмолчилардан оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқлари орқали ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг оқова сувларни тозалаш иншоотларига кейинчалик заарсизлантириш ва тозалаш учун узлуксиз тарзда етказиб берилади.

Маиший ва ишлаб чиқариш оқова сувлари оқова сувларни тозалаш иншоотлари томонидан қабул қилинади, экологик нормалар ва қоидаларга мувофиқ тозаланади ва улардан хавфсиз фойдаланиши таъминланади.

30-модда. Оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш чегаралари

Ичимлик суви таъминоти ташкилоти оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғининг истеъмолчига тегишли ҳудудга кирган қисмига (кўп қаватли уйларнинг киравчи қисмига) қадар жавобгар бўлади ва мазкур чегарага қадар хизматлар кўрсатади.

Кўп квартирали уйни бошқариш органи кўп квартирали уйда оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғи учун жавобгар бўлади ва унга хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

Истеъмолчилар ўзига тегишли ҳудуддаги оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғи учун жавобгар бўлади.

31-модда. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш хусусиятлари

Коммунал-экологик норматив ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизиб юборувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқилади ҳамда ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан тасдиқланади.

Белгиланган нормадан юқори даражада ифлосланган ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизиб юборувчи юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар оқова сувларни локал тозалаш иншоотларида бирламчи тозалаш ишларини бажариши керак.

Янги истеъмолчиларни, шу жумладан мавжуд истеъмолчиларнинг янгитдан ишга тушириладиган, товарларни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрса-

тиш) жараёнида белгиланган нормадан юқори даражада ифлосланган оқова сувларни ҳосил қилювчи объектларини оқова сувлар тармоқларига улашга факат оқова сувларнинг белгиланган нормага қадар тозаланишини таъминлайдиган локал тозалаш иншоотлари мавжуд бўлган тақдирда йўл кўйилади.

32-модда. Белгиланган нормадан юқори даражада ифлосланган оқова сувларни оқизиб юборганлик учун компенсация тўловлари

Оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига белгиланган нормадан юқори даражада ифлосланган оқова сувларни оқизаётган жисмоний ва юридик шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда компенсация тўловларини амалга оширади.

8-боб. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш

33-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳалар

Молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан аҳолига ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиши кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш юзасидан лойиҳа тақлифлари маҳсус ваколатли давлат органи томонидан шакллантирилади ва тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари муҳокамасига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги, ҳалқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларидаги муҳокама якунлари бўйича маъқулланган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳалар тегишли дастурлар асосида амалга оширилади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларда мажбурий тартибда:

ичимлик ва оқова сув қувурларини ўй ҳўжаликларигача ўтказиш ва сувни ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш назарда тутилади;

ичимлик суви таъминоти объектларининг атроф муҳитга, шунингдек қўшни худудлардаги мавжуд ва режалаштирилаётган ичимлик суви таъминоти объектларига таъсири ҳисобга олинади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича битта объектни қуриш ва реконструкция қилишни турли манбалардан, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошка ҳолларда молиялаштиришга йўл қўйилмайди, бундан ҳалқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар мустасно.

34-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида давлат ижтимоий буюртмаси

Давлат ижтимоий буюртмаси доирасида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш марказлаштирилган ичимлик суви таъминоти мавжуд бўлмаган туманларда ташкил этилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаси доирасида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги ижтимоий лойиҳаларни рўёбга чиқариш ижрочини танлов асосида аниқлаш йўли билан амалга оширилади, танлов ҳақидаги эълон оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги ижтимоий лойиҳалар нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат ижтимоий буюртмасини бериш орқали маҳсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

9-боб. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш

35-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги истеъмолчилярнинг гурухлари

Ичимлик сувига ва оқова сувларни чиқариб юборишга бўлган эҳтиёжга кўра истеъмолчилар қўйидаги гурухларга ажратиласди:

биринчи гурух — жисмоний шахслар;

иккинчи гурух — идоравий уй-жой фонди ва ётоқхоналар, бюджет ташкилотлари, диний ташкилотлар, элчихоналар, дипломатик ваколатхоналар ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кўп квартирали уйни бошқарувчи ташкилотлар, уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, ичимлик суви таъминоти ташкилотлари ва исчиклик таъминоти ташкилотлари;

учинчи гурух — биринчи ва иккинчи гурухларга кирмайдиган юридик шахслар.

36-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига жисмоний ва юридик шахсларни улаш

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига уланиши улаш нуқтаси орқали амалга оширилади.

Ичимлик сувининг микдори ва босими, шунингдек оқова сувларни қабул

қилиш сифими етарли бўлганда, жисмоний ва юридик шахслар ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан тақдим этилган техник шартлар асосида уланиши мумкин.

Тақдим этилган техник шартлар асосида жисмоний ва юридик шахслар томонидан тайёрланган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш лойихалари ичимлик суви таъминоти ташкилотлари билан келишиб олинади.

37-модда. Ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш учун шартнома

Ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш истеъмолчи билан тузиладиган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Шартномада ичимлик сувининг босими, сифати, оқова сувларни чиқариб юбориш қуввати, тарафларнинг хукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, ҳисоб-китоблар ва тўловлар тартиби, низоларни ҳал этиш тартиби, енгиг бўлмас куч ҳолатлари ҳамда шартноманинг амал қилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак.

Тарафларнинг келишувига кўра шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Жисмоний шахслар билан тузиладиган шартнома муддатсизdir.

38-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатишга доир тақиқлар

Кўйидаги ҳолларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади:

шартнома тузмасдан;

ушбу Конуннинг 36-моддасида белгиланган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига улаш тартибининг бузилиши бартараф этилгунга қадар.

10-боб. Ичимлик сувини транспортда етказиб бериш

39-модда. Ичимлик сувини транспортда етказиб бериш тартиби

Ичимлик суви жисмоний ва юридик шахсларга ичимлик суви таъминоти ташкилотлари ёки мазкур соҳада фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан транспортда етказиб берилиши мумкин.

Ичимлик суви қўйидаги ҳолларда транспортда етказиб берилади:

ичимлик суви таъминоти ташкилотининг тармоқлари мавжуд бўлмаган ҳудудларга;

ичимлик суви қувурларидаги ва ичимлик суви таъминоти тармоқлари-нинг бошқа иншоотларидаги авариялар чофида;

ичимлик суви таъминоти тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилаётганда;

фавқулодда вазиятларда;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ичимлик сувини транспортда етказиб бериш санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, давлат стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

40-модда. Ичимлик сувини транспортда етказиб беришга доир асосий талаблар

Ичимлик сувини ичимлик суви таъминоти ташкилотлари бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан транспортда етказиб бериш учун транспорт воситаси санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бўлиши, транспортда ўрнатилган идиш эса камида бир куб метр сув сифимига эга бўлиши керак.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан транспортда сув етказиб бериш бўйича транспорт хизматларини кўрсатганлик учун тарифлар ва тўлов тартибга солинадиган ҳамда шаффофф бўлиши керак.

Ичимлик сувини транспортда ушбу модда талабларига риоя этмаган ҳолда етказиб бериш тақиқланади.

41-модда. Ичимлик сувини етказиб берадиган транспорт воситаларига қўйиладиган асосий талаблар

Ичимлик сувини етказиб берадиган транспорт воситалари соғлиқни сақлаш органларида уларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги жиҳатидан ҳар ўн беш кунда камида бир марта текширилиши лозим.

Ҳайдовчилар ва ичимлик сувини тайёрлашда бевосита иштирок этувчи хизмат кўрсатувчилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган талабларга мувофиқ тиббий кўрикдан ўтиши керак.

11-боб. Сувнинг йўқотилиши

42-модда. Сувнинг технологик эҳтиёжлар учун сарфланиши ва йўқотилиши

Ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан ичимлик сувини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш жараённида сувнинг технологик эҳтиёжлар учун сарфланиши ва йўқотилиши сувнинг технологик жиҳатдан сарфланиши, ичимлик суви таъминоти тармоқларидаги ҳисобга олинмаган йўқотишлар ҳамда ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан ўз эҳтиёжлари учун ичимлик суви сарфланишидан таркиб топади.

43-модда. Сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини ҳисоб-китоб қилиш тартиби

Сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини ҳисоб-китоб қилиш тартиби маҳсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини ҳисоб-китоб қилиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

ичимлик суви иншоотларидағи технологик эҳтиёжлар учун сарфланиши;

сувнинг ичимлик суви таъминоти тармоқларини таъмирлаш, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни таъмирлаш ва (ёки) алмаштириш чоғида сарфланишини;

ичимлик сувининг янги ётқизилган ичимлик суви таъминоти тармоқларини улаш учун сарфланишини;

сувнинг, шу жумладан ичимлик сувининг ичимлик суви таъминоти тизимидағи авариялар ва носозликлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тадбирлар натижасида йўқотилишини;

носозликлар натижасида ичимлик суви таъминоти тармоғидан ичимлик сувининг йўқотилишини;

ичимлик сувининг ёнфинни ўчириш эҳтиёжлари (ёнфинни ўчириш, ўт ўчиришга қарши гидрантларни текшириш, ёнгин-тактик машқлар ва машгулотлар) учун йўқотилишини;

ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан ўз эҳтиёжлари учун ичимлик суви сарфланишини.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари сувни ўз эҳтиёжлари учун сарфлашда сувни хисобга олиш асбобларидан мажбурий тартибда фойдаланиши керак.

44-модда. Сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишига ва йўқотилишига оид ҳисобот ҳамда нормалаштириш

Сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишига ва йўқотилишига оид ҳисобот ҳар йили ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан тузилади ҳамда ҳисобот йилидан кейинги 1 мартдан кечикмай маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.

Маҳсус ваколатли давлат органи ичимлик суви таъминоти ташкилотлари учун қўйидагиларни инобатга олган ҳолда сувнинг жорий йил учун технологик жиҳатдан сарфланиши ва йўқотилиши нормаларини (лимитларини) 1 апрелдан кечиктирмай белгилайди:

ичимлик суви таъминоти ташкилотининг аввалги йил учун сувнинг технологик харажатлари ва йўқотишлари ҳақидаги ҳисоботини;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан хизмат кўрсатиласидиган худудларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида амалга оширилаётган лойиҳаларни ва жорий этилаётган объектларини.

12-боб. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар

45-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни шакллантириш (қайта кўриб чиқиши)

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар, шу жумладан ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан ичимлик сувини транспортда етказиб бериш учун тарифларни қонунчиликда белгиланган тартибда ишлаб чиқади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар маҳсулот таннархига киритилган харажатлар, жорий харажатлар, молиявий харажатлар, солиқлар (сувнинг технологик жиҳатдан нормативдан юкори даражада сарфланганлиги ва йўқотилганлиги учун солиқлардан ташқари) ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек соғ фойда суммасидан шакллантирилади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни шакллантиришда ичимлик суви таъминоти ташкилотларини ривожлантириш ва модернизация қилиш учун харажатлар ҳисобга олинади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар, шу жумладан транспорт хизматлари учун тарифлар даражасига таъсир кўрсатадиган омиллар кескин ўзгарган тақдирда, тарифларни ўзгартириш бўйича таклифлар лойиҳаси тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилади.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари жамоатчилик муҳокамаси туғаганидан кейин ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан ҳудудий монополияга қарши курашиш ва молия органларига мурожаат қилади.

Ҳудудий монополияга қарши курашиш ва молия органлари тарифларни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги таклифлар олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ичимлик суви таъминоти ташкилотига ушбу таклифларни рад этиш, қайта кўриб чиқиш ёки қабул қилиш тўғрисидаги ўз хуласаларини тақдим этади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар бюджет параметрлари тасдиқланганидан кейин бир йил давомида қайта кўриб чиқилиши натижасида бюджет ташкилотлари учун зарур бўлган кўшимча маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан, Коракалпогистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларидан ажратилади.

46-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни тасдиқлаш

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматларга, шу жумладан транспортда ичимлик сувини етказиб беришга оид тарифларни ўзгартиришга доир таклифларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ушбу Қонун 45-моддасининг олтинчи қисмида кўрсатилган ташкилотларнинг хулосаларини илова қилган ҳолда киритади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун ўзгартирилган тарифларни тасдиқлаш тўғрисидаги масала тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан кўриб чиқлади.

47-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни амалга киритиш

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланган тарифлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилингандан кейин ўн беш кун ўтгач кучга киради.

13-боб. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларида кўрсатилган хизматларни ҳисобга олиш

48-модда. Ичимлик сувининг ва оқова сувларнинг ҳисобини юритиш

Ичимлик сувининг ҳисоби ўрнатилган сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичлари асосида ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан юритилади.

Сувни ҳисобга олиш асбоби мавжуд бўлмаган тақдирда, ахоли учун сарфланган ичимлик сувининг ҳисоби белгиланган истеъмол нормалари асосида, юридик шахслар учун эса ичимлик суви таъминоти тармоқларининг (ичимлик суви қувурининг) ўтказиш қобилияти бўйича юритилади.

Маишӣ оқова сувлар микдори олинган ичимлик сувининг микдорига тенг равишда қабул қилинади.

Ишлаб чиқариш оқова сувларининг ҳисоби товарларни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) чоғида сарфланган ичимлик сувининг (товарга айлантирилган, буғланган ва бошқа технологик жараёнларда йўқотилган ичимлик суви) микдорини ушбу мақсадлар учун олинган сувнинг микдоридан чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади.

Маиший ва ишлаб чиқариш оқова сувларининг миқдорини аниклашда суғоришига, қурилишига ва ҳудудни ободонлаштиришга сарфланадиган сувнинг миқдори хисобга олинмайди.

49-модда. Оқова сувларнинг қўшимча чиқариб юборилиш миқдорини ҳисоб-китоб қилиш

Сув марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти ва бошқа сув объектларидан шахсий эҳтиёжлар учун сарфланганда, оқова сувлар миқдори:

марказлаштирилган иссиқ сувни хисобга олиш асбобининг кўрсаткичлари бўйича, хисобга олиш асбоби мавжуд бўлмаган тақдирда — иссиқ сув истеъмоли нормалари бўйича;

сув бошқа сув объектларидан олинганда — хисобга олиш асбоби кўрсаткичлари бўйича, хисобга олиш асбоби мавжуд бўлмаган тақдирда — ушбу сув объектларининг қуввати бўйича аниқланади.

Агар ҳақиқатда оқизиб юборилган оқова сувларнинг миқдори оқова сувларнинг ҳисоб-китоб қилинган миқдоридан кам бўлса, оқова сувлар миқдори истеъмолчи томонидан тақдим этилган тасдиқловчи хужжатларга мувофиқ қайта ҳисобланади.

50-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ўзбошимчалик билан уланганлик учун тўлов миқдорини ҳисоб-китоб қилиш

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ушбу Конуннинг 36-моддасида белгиланган тартиби бузган ҳолда уланиши ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш деб топилади.

Ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олинган тақдирда, истеъмол қилинган ичимлик сувининг ва (ёки) чиқариб юборилган оқова сувларнинг миқдори юридик шахслар учун ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларининг (ичимлик ва (ёки) оқова сув қувурининг) ўтказиш қобилиятидан келиб чиқсан ҳолда, жисмоний шахслар учун эса ичимлик сувини истеъмол қилиш нормаларидан келиб чиқсан ҳолда хисоб-китоб қилинади. Бунда ичимлик суви қувурида сув мавжуд бўлганиги, истеъмолчининг ҳисоб-китоб қилинган ичимлик суви миқдоридан фойдаланиш ва уни оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғига оқизиб юбориш мумкинлиги факти инобатга олинади.

14-боб. Якунловчи қоидалар

51-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳаси-

даги халкаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халкаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

52-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги етказилган зиён ҳамда зарарнинг ўрнини қоплаш

Ичимлик сувининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, давлат стандартларига мувофиқ эмаслиги натижасида жисмоний шахсларнинг соғлиғига етказилган зиённинг ўрни қонунчиликка мувофиқ ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимида қоидаланиш қоидаларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан риоя этмаганлик, шу жумладан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига, иншоотларга шикаст етказганлик, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширишга монелик қилганлик, сув объектларини ифлослантирганлик натижасида етказилган зарарнинг ўрни айбдор шахслар томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

53-модда. Низоларни ҳал этиш

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

54-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

55-модда. Ушбу Конуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда бошқа манбаатдор ташкилотлар ушбу Конуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти ахоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

56-модда. Қонунчиликни ушбу Конунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Конунга мувофиқлаштиурсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Конунга зид бўлган ўз норматив-хукукий хужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишларини таъминласин.

57-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 22 июль,
ЎРҚ-784-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

258 Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-кувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида*

Таълим ташкилотларида таҳсил олиш истагидаги хотин-қизлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва макасини тизимли ошириб боришни қўллаб-кувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 марта «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-кувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-87-сон Фармонига муовоник, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча хусусий, хорижий ва давлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида кундузги, сиртки ва кечки таълим шаклида хотин-қизларнинг тўлов-контракт асосида таҳсил олиши учун имтиёзли шартларда таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига Давлат бюджетидан маблағ ажратишнинг янги тизими жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки:

тижорат банклари Молия вазирлиги томонидан жойлаштириладиган депозит маблағлари ҳисобидан таълим кредитларини 14 фоиз ставкада ажратади;

таълим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади;

таълим кредити бўйича фоиз ставкаларини сўндириш Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан, уларни тижорат банкларига тўлаш орқали амалга оширилади;

таълим кредитини расмийлаштиришда ва унинг қайtariliшида талабанинг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари ва бошқа учинчи шахс биргаликда қарз олувчи сифатида қатнашишига рухсат этилади;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га кирган оиласларнинг хотин-қизларига ажратиладиган таълим кредитлари учун гаров ва кафилликлар талаб этилмайди.

2. Белгилаб қўйилсанки:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларининг сўровларига

* Ушбу карор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 июлда эълон қилинган.

асосан келгусида 14 фоиз ставкада таълим кредити ажратиш учун уларга 10 фоиз ставкада депозит маблағлари жойлаштирилади;

Жамғарма томонидан таълим кредитлари учун тижорат банкларига зарур маблағлар ажратилишини таъминлаш ва назорат қилиш мақсадида Жамғармага 1 та Мактабгача таълим вазирлиги штат бирликларини макбуллаштириш ҳисобидан ва 1 та Молия вазирлигининг умумий штат бирликлари доирасида жами 2 та штат бирлиги ажратилади.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Молия вазирлиги хузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг тўлов-контракт асосида ўқиши учун таълим кредитларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

4. Молия вазирлиги Жамғармага 2022 йилда маблағларнинг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, бюджетни қўллаб-куватлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий хукумат молия ташкилотларининг кредитлари, суверен халқаро облигацияларни чиқариш ва қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ажратилишини, 2023 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта маҳсус таълим вазири А.Х. Тошкулов ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Кўчкоров зими масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

III. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 18 июль,
ПҚ-323-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 18 июлдаги
ПҚ-323-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim ҳужжатлариға
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майдаги «Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5102-сон қарорида:

а) 1-банд «б» кичик бандининг биринчи хатбошидаги «2022 йил 1 июлдан» сўзлари «2023 йил 1 январдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 28-позицияси «Амалга ошириш муддатлари» устунидаги «2022 йил июль» сўзлари «2023 йил январь» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги «Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5203-сон қарорида:

а) қарор номланиши ва муқаддимасидаги «Олий таълим» сўзлари «Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-бандида:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. 2021 / 2022 ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари бакалавр ҳамда магистратуранинг кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун таълим кредити ажратишнинг янги тизими йўлга қўйилсин»;

бешинчи хатбоши «оила аъзолари» сўзларидан кейин «ва бошқа учинчи шахслар» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 18 августдаги «Олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 527-сон қарорида:

а) қарор номланиши, муқаддимаси ҳамда 1-банди биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «олий таълим» сўзлари «олий, ўрта махсус ва профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандида:

биринчи хатбошидаги «олий» сўзидан кейин «, ўрта махсус ва профессионал» сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«республикадаги олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари, шу жумладан хусусий ва хорижий олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиаллари талabalariiga контракт тўловлари учун кредит ажратиш»;

в) 1-иловада:

низомнинг номидаги «олий» сўзидан кейин «, ўрта маҳсус ва професионал» сўzlари билан тўлдирилсин;

1-бандининг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган таълим муддати бир йил ва ундан ортиқни ташкил этувчи барча олий, ўрта маҳсус ва професионал таълим ташкилотлари (давлат, нодавлат олий, ўрта маҳсус ва професионал таълим ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси худудидаги хорижий олий, ўрта маҳсус ва професионал таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари)да (кейинги ўринларда — таълим ташкилоти) ва қўшма таълим дастурлари бўйича бакалавр ҳамда магистратуранинг кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Молия вазирлиги хузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан таълим кредитларини (кейинги ўринларда — таълим кредитлари) ажратиш ва уларни қайтариш тартиби ни белгилайди»;

3-бандининг:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Таълим кредитлари тижорат банклари томонидан таълим ташкилотлари бакалавр ҳамда магистратуранинг кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклида тўлов-контракт асосида ўкишга тавсия этилган ёки қабул қилинган, шунингдек ўқишини кўчирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларга (кейинги ўринларда — кредит олувчи) берилади»;

иккинчи хатбошидаги «vasiyлари» сўзи «бошқа учинчи шахслар» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Олий таълим ташкилотида» сўзлари «Таълим ташкилотида» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-бандинг иккинчи хатбошидаги «олий таълим ташкилотига» ва «олий таълим ташкилотида» сўзлари тегишинча «таълим ташкилотига» ва «таълим ташкилотида» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-бандидаги «олий» сўзи чиқариб ташлансин;

13-бандидаги «Олий таълим ташкилотлари» сўзлари «Таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандининг «б» кичик банди, 21-бандининг биринчи хатбошиси ва 23-бандидаги «олий» сўзи чиқариб ташлансин;

24-бандида:

биринчи хатбошидаги «олий таълим ташкилотларига» сўзлари «таълим ташкилотларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи — бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

259 Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тизимли ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Дипломатик кадрлар ҳамда мамлакат ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг илмий-тадқиқот таъминотини кучайтириш, дипломатик кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларнинг захирасини яратиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (кейинги ўринларда — Университет) фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган қўйидаги таклифлари маъқуллансан:

а) 2022 / 2023 ўқув йилидан бошлаб қўйидагиларни назарда тутувчи янги авлод олий таълим муассасаси — «Смарт Университет» концепцияси асосида Университет фаолиятини трансформация қилиш:

Университетда академик фаолиятни илмий-таҳлилий йўналтирилганлик ва академик яхлитлик таълим технологиялари ҳамда уларни таъминловчи дастурний-аппарат комплекси асосида, шу жумладан антиплагиат тизимини жорий этган ҳолда ташкил этиш;

талабаларда билимни мустақил шакллантириш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш кўнгилларини ривожлантириш мақсадида таълимни рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, ўқув дастурлари ва улар контентларининг рақамлаштирилган шакллари, жумладан дарсликлар, илмий-тадқиқот ишлари, мақолалар, тақдимотлар, мультимедиа таълим маҳсулотлари, маъruzalarning аудио ва видео ёзувларини ўз ичига олувчи маҳсус платформани жорий этиш;

талабалар учун бакалавриат ва магистратуранинг барча босқичларида индивидуал таълим траекториясини ишлаб чиқиш, ўқув режа ва дастурларида, шу жумладан фанлар кетма-кетлиги асосида ўқитишини назарда тутиш;

ахборот ресурс марказлари фондларини электрон шаклга ўтказиш, дунёнинг нуфузли илмий маълумот базаларига уланиш, назорат ишлари, магистрлик ва докторлик диссертациялари ҳамда бошқа ресурслардан иборат илмий-техник маълумотлар электрон базасини яратиш;

ўқув ва илмий жараёнларни бошқариш, талабаларнинг дарсдан ташқари вақтларини мазмунли ташкил этиш, шунингдек, барча хужжатлар айланмасини рақамлаштириш;

б) 2022 / 2023 ўқув йилидан бошлаб мунтазам равишда илфор маркетинг стратегияси асосида Университет брендини янада оммалаштириш, унда олиб борилаётган академик, илмий ва маърифий жараёнларни миллий ва халқаро майдонда кенг тарғиб этиш;

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 23 июлда эълон қилинган.

в) 2025 йилга қадар Университетни халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings ёки Times Higher Education) (кейинги ўринларда — халқаро эътироф этилган ташкилотлар) соҳавий, минтақавий ёхуд тематик рейтингларига киритилишига эришиш.

2. Университет (С. Сафоев) манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Университет фаолиятини трансформация қилиш мақсадида қуидагиларни амалга оширсин:

а) ҳар йили:

халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1 000 талик рўйхатига кирган олий таълим муассасаларининг 10 — 20 нафар профессор-ўқитувчилари Университетнинг ўқув ва илмий жараёнига жалб қилинишини таъминлаш;

Университетнинг камидаги 10 нафар профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва магистрантларини хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларига илмий стажировка ва малака ошириш учун, шунингдек, талабалар алмашинуви дастурлари асосида таҳсил олиш учун юбориш;

б) 2025 йил 1 январга қадар:

Университет журналини Scopus халқаро илмий-техник маълумотлар базасига киритиш чораларини кўриш;

Университет илмий салоҳиятининг 60 фоизга етказилишини таъминлаш;

халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 500 талик рўйхатига кирган олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда камидаги 4 та қўшма таълим дастурларини амалга ошириш;

камидаги 2 та бакалавриат таълим йўналишлари ва камидаги 3 та магистратура мутахассисликларини халқаро эътироф этилган ташкилотлар аккредитациясидан ўтказиш.

3. Университетта:

халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари, жаҳон иқтисодиёти, халқаро ҳуқуқ ихтисосликлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузиш ва уларнинг таркибини тасдиқлаш ҳамда мазкур илмий кенгашларга талабгорларни илмий даражаларда мустақил тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилиш;

профессор-ўқитувчиларига илмий унвонларни бериш ҳамда уларни ишга қабул қилишда академик мустақиллик негизида берилган илмий унвонлар ва илмий даражаларни тан олиш ваколати берилсин.

4. Университет ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2022 / 2023 ўқув йили иккичи семестрида Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳамда Тошкент давлат юридик университети билан Университет ўртасида талабалар алмашинуви назарда тутувчи ички академик мобиллик дастурлари асосида таълим олиш истагини билдирган талабалар учун бир семестр мос таълим йўналишлари бўйича ўқитишни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

5. Ташкилар вазирлиги:

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда Университет талабаларини улар амалиёт ўташи учун етакчи корхона ва ташкилотлар, жумладан халқаро фаолиятга жалб этилган вазирлик ва идоралар бўлинмалари, ҳуқуқий ёки консалтинг, таълим ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, туризм обьектларига бириктириш ҳамда юқори курс талабаларини банд қилиш чораларини кўрсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2022 / 2023 ўқув йилидан бошлаб Университетнинг иқтидорли талабалари ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарига юборилишини таъминласин.

6. Қўйидагилар:

2022 — 2025 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастури 1-иловага* мувофиқ;

2022-2023 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг моддий-техника базасини модернизация қилиш дастури 2-иловага* мувофиқ;

2022 — 2026 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ;

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кафедраларини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарига бириктириш рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

7. Университет ҳузуридаги Олий дипломатия мактаби негизида Дипломатик академия (кейинги ўринларда — Дипломатик академия) ташкил этилсин ва қўйидагилар унинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда дипломатик кадрлар, жумладан юқори бўғин дипломатларини (элчи ва маслаҳатчиларни) тизимли равишда тайёрлаш;

давлат бошқаруви тизими ва маҳаллий ҳокимият органи ходимлари сафидан муносаб номзодларни танлаб олиш, тайёрлаш ҳамда дипломатик раҳбар ходимлар (элчи, бош консул ва маслаҳатчилар) захирасини яратиш;

камида З ўйллик иш тажрибасига эга бўлган ходимларни тор магистратура мутахассисликлари бўйича ўқитиш;

Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шахар) ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарлари, ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий ва халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳасидаги мутахассислар ҳамда ходимларни қисқа ва узоқ муддатли ўқув курсларида тўлов-шартнома асосида, шу жумладан масофавий тарзда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

Ташқи ишлар вазирлиги буюртмасига мувофиқ хорижга узоқ муддатли сафарга чиқиб кетаётган ходимлар, шу жумладан маъмурий-техник ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун мезбон мамлакатнинг ўзига хосликлари, дипломатик протокол ва этикет хусусиятлари, чет элда яшаш

* 1 — 4-иоловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хамда махаллий аҳоли билан мулоқот қоидалари кабилар билан таништиришга қаратилган қисқа муддатли курслар ташкил қилиш;

етакчи хорижий таълим муассасалари билан биргаликда магистратура ва олий таълимдан кейинги таълим бўйича қўшма таълим дастурларини жорий қилиш;

дипломатик фаолиятни илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, халқаро муносабатларнинг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларни, шу жумладан миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш;

республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари учун Университет таълим йўналишларига мос бўлган доимий фаолият юритувчи қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил қилиш;

таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, масофавий таълимни кенг жорий этиш;

дипломатик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланадиган етакчи хорижий таълим ташкилотлари билан узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш.

Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб рўйхати 5-иловада* келтирилган лавозимларга Дипломатик академиянинг ўқув курсларини тамомлаган номзодлар тайинланади.

8. Дипломатик академия Университет Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда:

касбий стандартлар асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурлари, шунингдек, илфор хорижий тажриба ва ўқув жараёнининг амалиёт билан қўшиб олиб борилишини хисобга олувчи баҳолаш тизими бўйича ўқитиши ташкил этиш;

тўлов-контракт ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шартнома асосида мутахассисларни таклиф қилиш, Дипломатик академия ходимларини моддий рафбатлантириш;

шартнома асосида консалтинг ва эксперт-аналитик хизматлар кўрсатиш чораларини кўрсинг.

9. Белгилансинки:

а) Университет ректорига Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида Дипломатик академия ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш хукуки берилади;

б) Дипломатик академия:

ходимларига республика олий таълим муассасаларида тегишли лавозимлар учун кўзда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва шартлари татбиқ қилинади;

Олий дипломатия мактабининг хукуқ, мажбурият ва шартномалари бўйича хукукий вориси хисобланади;

фаолияти Давлат бюджети маблағлари, Университет ажратмалари, шартнома асосидаги хизматлардан тушган маблағлар, илмий-тадқиқот дас-

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

турлари учун ажратилган грантлар, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан молиялаштирилади.

10. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Дипломатик академиянинг тузилмаси 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

11. Университетни ҳалқаро ва минтақавий тадқиқотлар йўналишида мамлакатнинг етакчи муассасасига айлантириш мақсадида Университет тузилмасидаги Ҳалқаро иқтисодий ва сиёсий тадқиқотлар маркази ҳамда Ҳалқаро-хуқуқий тадқиқотлар ва қиёсий оммавий хуқуқ маркази негизида юридик шахс мақомига эга бўлган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Истиқболли ҳалқаро тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин ҳамда қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакат ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини тизимли развишда илмий-методологик ҳамда ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаб бориш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳалқаро муносабатлар, жаҳон иқтисодиёти, ҳалқаро хуқуқ, минтақашунослик ва мамлакатшуносликнинг долзарб муаммоларини фанлараро асосда ўрганиш;

хозирги замон жаҳон сиёсати ва иқтисодиётининг долзарб муаммоларини тадқиқ қилиш бўйича мамлакат бошқарув органлари ўзларининг ҳалқаро фаолиятларида фойдаланишлари учун тегишли ахборот-таҳлилий ва прогноз ҳужжатлар ҳамда тавсиялар тайёрлаш;

Афғонистон ва Жанубий Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси, Европа ва Американи ўрганиш, хозирги глобал тараққиёт, барқарор ривожланиш муаммолари, энергетик геосиёсат, иқтисодий дипломатия, ҳалқаро-хуқуқ масалалари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, конфликтология масалаларини ўрганиш.

12. Ташқи ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси шаклидаги «Ҳалқаро муносабатлар: сиёсат, иқтисодиёт, хуқуқ» журнали таҳририятини (кейинги ўринларда — Таҳририят) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан.

Университет (С. Сафоев) журнални етакчи хорижий ва маҳаллий олимларнинг Ўзбекистон манфаатларига мос замонавий ҳалқаро-сиёсий, хуқуқий ва иқтисодий муаммоларга бағишлиланган мақолаларини жамловчи ва чоп этувчи ихтисослашган нуфузли илмий нашр даражасига олиб чиқишини таъминласин.

Вазирлар Махкамаси икки ҳафта муддатда Институт ҳамда Таҳририят фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида Хукумат қарорини қабул қилсин.

13. Белгилансинки, Дипломатик академия, Институт ҳамда Таҳририят раҳбарлари Университет ректори томонидан Кузатув кенгashi билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

14. Мамлакат ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти ҳамда ҳал-

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

каро ҳукуқ соҳалари учун иқтидорли ёшларни саралаб олиш, малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган миллий таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Университетга қўйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

Университет хузуридаги академик лицейнинг (кейинги ўринларда — Академик лицей) ўқув-услубий жараёнини мувофиқлаштириш, унинг тузилмаси, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, қабул параметрлари ва таълим йўналишларини белгилаш;

Академик лицей педагог ходимларининг меҳнатини меъёrlаштириш;

Академик лицейда факультатив машғулотлар ўтказишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Академик лицейнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга оид Хукумат қарорини қабул қилсин.

15. Ташкилар вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ташкилар вазири в.б. В.И. Норов ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим вазири А.Х. Тошқулов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 233 июль,
ПҚ-330-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

260 Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 27 апрелдаги ПФ-122-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари учун ижтимоий кафолатларни кучайтириш максадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ-3665-сон қарорига мувофиқ 2022/2023 ўкув йилидан бошлаб:

а) хизмат мажбуриятини бажариш чогида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари (кейинги ўринларда — божхона органлари) ходимларининг фарзандлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг тавсияномаси асосида:

белгиланган қабул параметрларидан ташқари давлат гранти асосида Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда — давлат олий таълим муассасалари) бакалавриатининг кундузги таълим шаклига (иккинчи олий таълимдан ташқари) танловсиз;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Давлат божхона қўмитаси тизимидағи олий (магистратура, иккинчи олий таълимдан ташқари) таълим муассасаларига (кейинги ўринларда — олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари) қабул параметрларидан ташқари дастлабки ва касбий (ҳарбий-профессионал) танлов натижаларига мувофиқ қабул қилиниши;

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 июлда эълон қилинган.

б) божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимларининг фарзандларига ўқишга кириш учун:

давлат олий таълим муассасалари бакалавриатига ажратилган умумий давлат гранти асосидаги қабул параметрларига нисбатан бакалавриат таълим йўналишларининг кундузги таълим шаклига алоҳида икки фоизли давлат гранти асосидаги квоталар;

олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига белгиланган умумий қабул параметрлари доирасида икки фоизли давлат гранти асосидаги квоталар ажратилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Божхона органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсиянома бериш тартиби, тавсияноманинг амал қилиш доираси ва муддати, тавсиянома беришни рад этиш учун асосларни назарда тутивчи Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилансинки:

мазкур қарор қоидалари хизмат мажбуриятини бажариш чогида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган божхона органлари ходимларининг ҳамда божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимларининг фарзандларига нисбатан татбиқ этилади;

божхона органлари ходимларининг фарзандларига тавсиянома бир давлат олий таълим муассасаси ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасасига бир марта кириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан уч йилдан ошмайдиган муддатга берилади;

божхона органлари ходимларини хизмат мажбуриятини бажариш чогида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топишнинг тартиби ҳамда аниқ мезонлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Ички ишлар вазирлиги ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси давлат божхона хизмати органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсиянома бериш тадбирлари ушбу қарор талбларига мувофиқ холислик ва шаффофлик тамойиллари асосида амалга оширилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иктиносидий тараққиёт ва камбағал-

ликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси А.Ю. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 20 июль,
391-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 20 июлдаги 391-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати
органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим
муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган
таълим муассасаларига ўқишга кириш учун
тавсияномалар бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари (кейинги ўринларда — божхона органлари) ходимларининг фарзандларига Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда — давлат олий таълим муассасалари) бакалавриат таълим йўналишларининг кундузги таълим шаклига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитаси тизимидағи олий (магистратура, иккинчи олий таълимдан ташқари) таълим муассасаларига (кейинги ўринларда — олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари) ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари хизмат мажбуриятини бажариш чогида ҳалок бўлган, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирион бўлиб қолган божхона органлари ходимларининг, шунингдек, божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимларининг фарзандларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Божхона органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш мазкур Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича божхона органлари ходимларининг фарзандларига бир давлат олий таълим муассасаси ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбий-

* 1-и洛ва «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаштирилган таълим муассасасига бир марта кириш учун уч йилдан ошмайдиган муддатга берилади.

4. Божхона органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларининг кундузги таълим шаклига ўкишга кириши учун тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ-3665-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси (кейинги ўринларда — Раис) томонидан:

божхона хизматига салмоқли хисса қўшган, хизмат жараёнида маълум бир натижаларга эришган божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимларининг фарзандлари учун ажратиладиган алоҳида икки фоизли давлат гранти асосидаги квота бўйича мазкур Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклда берилади;

хизмат мажбуриятини бажариш чогида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган божхона органлари ходимларининг фарзандларига белгиланган қабул параметрларидан ташқари давлат гранти асосида мазкур Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклда берилади.

5. Божхона органлари ходимларининг фарзандларига олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўкишга кириш учун тавсиянома Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда Раис томонидан:

божхона хизматига салмоқли хисса қўшган, хизмат жараёнида маълум бир натижаларга эришган божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимларининг фарзандлари учун ажратиладиган умумий қабул параметрлари доирасида икки фоизли давлат гранти асосидаги квота бўйича мазкур Низомга 4-иловага* мувофиқ шаклда берилади;

хизмат мажбуриятини бажариш чогида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган божхона органлари ходимларининг фарзандларига белгиланган қабул параметрларидан ташқари давлат гранти асосида мазкур Низомга 5-иловага* мувофиқ шаклда берилади.

6. Божхона органлари ходимларини хизмат мажбуриятини бажариш чогида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топишнинг тартиби ҳамда аниқ мезонлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Ички ишлар вазирлиги ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

7. Божхона органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўкишга кириш учун тавсиянома (кейинги ўринларда — тавсиянома) бланклари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрла-

* 2 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рида хар йили Давлат божхона қўмитаси учун назарда тутиладиган маблағлар хисобидан Қўмита буюртманомаси асосида «Давлат белгиси» давлат унитар корхонаси томонидан тайёрланади.

2-боб. Тавсияномани бериш тартиби

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ихтинослаштирилган божхона комплекси, Марказий божхона лабораторияси, Божхона институти ҳамда Миллий кинология маркази (кейинги ўринларда — таркибий тузилмалар ва тизим ташкилотлари) бошлиқлари (директори) Давлат божхона қўмитаси Кадрлар бошқармасига хар йили 10 марта қадар қўйидаги хужжатларни илова қилган ҳолда тавсиянома бериш тўғрисидаги тақдимномани киритади:

а) божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимлари фарзандлари учун:

анкета-маълумотнома ва автобиографик маълумотлар;

хизмат фаолияти натижалари бўйича батафсил ҳисобот;

ходим фарзандининг тугилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, биометрик паспорти (идентификация ID-картаси) ва маълумоти тўғрисидаги хужжатлар нусхаси;

б) хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандлари учун:

анкета-маълумотнома ва автобиографик маълумотлар;

ходим фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, биометрик паспорти (идентификация ID-картаси) ва маълумоти тўғрисидаги хужжатлар нусхаси;

тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан берилган ходимнинг ногиронлиги ҳақидаги маълумотнома (хизмат мажбуриятини бажариш чоғида олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимлар учун).

Мазкур бандда назарда тутилмаган бошқа хужжатларни тақдим этишин талаб қилиш тақиқланади.

9. Тавсиянома бериш масаласи Раис ўринбосари раҳбарлигига тузиладиган, камида беш нафар раҳбар ходимлар ва мутахассислардан иборат таркибдаги комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) томонидан кўриб чиқилади.

Комиссиянинг таркиби Раис томонидан тасдиқланади.

10. Комиссия Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Кадрлар бошқармаси томонидан киритилган:

таркибий тузилмалар ва тизим ташкилотлари бошлиқларининг тавсиянома бериш тўғрисидаги тақдимномаларини;

хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандлари рўйхатларини кўриб чиқади.

11. Комиссия таркибий тузилмалар ва тизим ташкилотлари томонидан

такдим этилган хужжатларни ҳар йили 1 апрелга қадар Комиссия йиғилишида кўриб чиқади.

Комиссия йиғилиши якунлари бўйича тавсиянома бериш ёки бермаслик ҳақида қарор қабул қилиниб, баённома шаклида расмийлаштирилади ва Комиссия раисининг имзоси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг гербли муҳри билан тасдиқланади.

12. Комиссия йиғилишининг баёни асосида тавсиянома бериш тўғрисида Раис буйругини қабул қилиш бўйича Раисга таклиф киритилади.

Тавсиянома бериш тўғрисида Раис буйруғи ҳар йили 1 майга қадар қабул қилинади.

13. Мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган Раис буйруғи қабул қилингандан сўнг божхона органлари ходимлари хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган тақдирда, уларнинг фарзандларига жорий қабул йилининг 1 июлига қадар тавсиянома берилиши мумкин.

14. Таълим муассасаларига ўқишга кириш учун берилган тавсияномаларнинг ягона хисоби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Кадрлар бошқармаси томонидан юритилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) ушбу Низомда назарда тутилган тартибда олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар берилган ходимларнинг фарзандлари рўйхатини ҳар йили 1 майга қадар юборади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

16. Комиссия ходимнинг божхона хизматига салмоқли ҳисса қўшгани ва хизмат жараёнида маълум бир натижаларга эришганлигини таркибий тузилмалар томонидан тақдим этилган тақдимнома асосида унинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, божхона маъмурчилигини такомиллаштириш, тартиб-таомилларни соддалаштириш, амалиётга илфор ахборот технологияларини жорий этиш, контрабанда ва божхона конунчилиги бузилишига қарши курашишда ҳамда божхона органлари фаолиятининг са-марадорлигини оширишга қўшган ҳиссаси, хизмат, илмий ёки педагогик фаолиятда эришган натижаларидан келиб чиқиб баҳолайди.

17. Тавсиянома асосида олий таълим муассасасига талабаликка қабул қилингандик тўғрисида расмий буйруқ чиқарилгандан сўнг имтиёздан тақроран фойдаланишга ўйл қўйилмайди.

18. Комиссия хужжатларни ўрганиш мобайнида ходимнинг ҳалок бўлганлиги ёки олган тан жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолганлиги, хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ бўлмаган деб топилган ҳамда божхона хизматига салмоқли ҳисса қўшган, хизмат жараёнида маълум бир натижаларга эришган деб топилмаган тақдирда, тавсиянома беришни рад этади.

19. Тавсияномага асосан ўқишга қабул қилинган талабалар (курсант-

лар) ўқишдан четлаштирилган тақдирда (шу жумладан ўз хоҳишига кўра), уларга тавсиянома қайта берилмайди.

20. Комиссиянинг харакатлари юзасидан конунчилик хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айборд бўлган шахслар конунчилик хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

261 Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим тўғрисидаги хужжатларнинг дубликатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармонига мувофиқ ҳамда таълим соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини яна-да такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони билан тасдиқланган «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида 2020 — 2022 йилларда таълим, соғлиқни саклаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани кўллаб-кувватлаш соҳаларини рақамли трансформация қилиш дастурининг 16-бандига мувофиқ олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим тўғрисидаги дипломлар дубликатини бериш давлат хизматини жорий этиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кўйидагиларни назарда тутувчи Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим тўғрисидаги хужжатларнинг дубликатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансан:

йўқолган ёки фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келган, шунингдек, шахснинг исми (фамилияси, отасининг исми) ўзгарганда таълим тўғрисидаги расмий давлат хужжатлари дубликатини олиш мақсадида давлат хизматидан фойдаланиш тартиби;

ариза берувчи томонидан сўровномани электрон равишида тўлдириш ва тасдиқлаш;

давлат хизматидан фойдаланиш учун базавий хисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йифим ундириш;

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 июлда эълон қилинган.

давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш асосларини белгилаш; таълим тўғрисидаги расмий давлат ҳужжатлари дубликатини расмийлаштириш тартиби;

тегишли ваколатли орган томонидан расмийлаштирилган таълим тўғрисидаги ҳужжатда нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланганда, ариза берувчи ўн беш иш куни ичida йифим тўламасдан белгиланган тартибда қайта мурожаат қилиши тартиби.

3. Белгилансинки, ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ кўрсатиладиган давлат хизматларидан фойдаланиш учун жисмоний шахслар факат давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали мурожаат қиладилар.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бадиий академия, «Ўзбекистон почтаси» АЖ ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

мазкур қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизматларининг ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини талабгорнинг манзилига етказиб бериш мақсадида «Ўзбекистон почтаси» АЖ ахборот тизими尼 ўз платформаси билан интеграция қилсин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

олий, ўрта маҳсус, касб-ҳунар ҳамда профессионал таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш бўйича аризани кўриб чиқиш учун йифим, давлат божи ва барча турдаги тўловларнинг Ягона биллинг тизимига уланишини таъминласин.

Бунда давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, тўлов қиймати суммасининг 90 фоизи микдоридаги маблағ ундирилади.

5. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазири А.Х. Тошкулов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари котибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 июль,
395-сон

Вазирлар Махкамасининг
2022 йил 21 июлдаги 395-сон қарорига
ИЛОВА

**Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим
тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш бўйича
давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент жисмоний шахс (кейинги ўринларда — ариза берувчи)га давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали давлат намунасидаги таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни берувчи Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи давлат ва нодавлат олий, ўрта махсус, касб-хунар ва профессионал таълим муассасалари (кейинги ўринларда — таълим ташкилоти)ни тамомлаган, маълумотини тасдиқловчи ҳужжати (диплом, сертификат) йўқолган ёки фойдаланиш учун ўзининг асл ҳолатини йўқотган, фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарган тақдирда, дубликат бериш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда — давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

Олий, ўрта махсус, касб-хунар ва профессионал таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги расмий ҳужжатлар ҳамда унинг дубликати бир хил юридик кучга эга бўлади.

Ушбу Регламент ҳарбий олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Давлат хизмати давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илфор технологияларни татбиқ этиш маркази ҳамда Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, Маданият вазирлиги, Бадиий академия (кейинги ўринларда — ваколатли органлар) томонидан кўрсатилиади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон ракамли имзои (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат ва нодавлат олий таълим муассасаси ва академик лицей дипломи дубликати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илфор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан, давлат ва нодавлат касб-хунар коллежлари ва профессионал таълим муассасалари дипломи дубликати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни

кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, давлат ва нодавлат ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар дипломи дубликати ўз тизимида кирувчи таълим ташкилотлари бўйича Ўзбекистон Бадиий академияси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан берилади.

5. Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш ушбу Регламентга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

6. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига шахсан мурожаат этади ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

7. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

8. Ариза берувчи сўровномани ЯИДХП орқали тўлдирилганда, ундан электрон рақамли имзо талаб этилмайди.

9. Давлат хизмати кўрсатилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади ва йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Бунда давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, тўлов суммасининг 90 фоизи миқдоридаги маблағ ундирилади.

10. Йиғимлар суммаси қўйидаги тартиба тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказига шахсан мурожаат этганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварафига;

0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон хукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварафига;

65 фоизи — тегишлилиги бўйича ваколатли органнинг Бюджет муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари шахсий разна ҳисобварафига;

14,5 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни ривожлантириш маркази ҳисобварафига ўtkaziladi;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварафига;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон хукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварафига;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва ракамли иктисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварафига;

65 фоизи — тегишлилиги бўйича ваколатли органнинг Бюджет муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари шахсий фазна ҳисобварафига;

13,25 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни ривожлантириш маркази ҳисобварафига ўтказилади.

11. Давлат хизматлари кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Агар сўровномада нотўри маълумотлар кўрсатилган бўлса, уларни бартараф этиш учун ариза берувчига беш иш кунидан иборат муддат берилади. Давлат хизматларини кўрсатишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хабар ариза берувчига бир иш куни ичида юборилиши лозим. Давлат хизмати кўрсатилиши муддатининг ўтиши камчиликларни бартараф этиш вақтида тўхтатиб турилади.

Белгиланган муддатда камчиликлар бартараф этилмаганлиги давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

12. Ариза берувчилар давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг хар кандай босқичида бош тортиш ҳукуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

13. Ариза берувчилар давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг сўровнома 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса — сўровнома автоматик тарзда тегишлилиги бўйича ваколатли органга юборилади.

14. Ваколатли орган сўровнома тушган вақтдан бошлаб ўн иш куни мобайнида тегишли таълим муассасалари ҳамда Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланган хужжатлар асосида олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим тўғрисидаги хужжат дубликатини ўз имзоси ва муҳри билан расмийлаштиради ҳамда бу ҳақида ариза берувчини ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласи.

15. Ариза берувчи таълим тўғрисидаги хужжат дубликатини ваколатли органдан олиб кетади.

Ариза берувчининг хоҳишига кўра, таълим тўғрисидаги хужжат дубликати ваколатли орган томонидан почта хизмати орқали юборилиши мумкин.

Бунда ваколатли орган давлат хизмати натижаси тайёр бўлганлиги

хақида «Ўзбекистон почтаси» АЖни электрон тизим орқали хабардор килгандан сўнг «Ўзбекистон почтаси» АЖ таълим тўғрисидаги ҳужжат дубликатини ваколатли орган манзилидан ариза берувчининг манзилига беш иш куни мобайнида етказиб беради.

16. Почта алоқаси орқали етказилган давлат хизматларининг натижаси учун амалга ошириладиган тўловлар ариза берувчи томонидан қопланади.

17. Ариза берувчи таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат дубликатини расмийлаштиришда хатоликлар мавжудлигини аниқлаганда, илгари юборилган ариза рақамини қўрсатган ҳолда такорий ариза юбориш имкониятига эга бўлади.

Бунда ариза берувчи ўн беш иш куни ичida йиғим тўламасдан белгилangan тартибda қайta мурожаат қилиш хуқуқига эга. Ваколатли орган ариза берувчи томонидан мурожаат этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида аризани қўриб чиқиши шарт.

18. Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатлар бўйича маълумотларни архивдан олиш зарурати юзага келган ҳолларда давлат архивлари беш иш куни мобайнида белгилangan тартибda архив ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни ваколатли органга бепул тақдим этади. Бунда таълим тўғрисидаги ҳужжатни бериш муддатига қўшимча равишда яна беш иш куни қўшилади.

Дубликат бериш бўйича асосли архив ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, тегишли ҳужжатни бериш рад этилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

19. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ходимлари томонидан ариза берувчилар тўғрисидаги шахсий маълумотлар махфийлиги таъминланади. Қонунчилик ҳужжатларида белгилangan тартибda ваколатли давлат органлари томонидан расмий мурожаат бўлган тақдирда, ариза берувчилар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади.

20. Ушбу Регламентни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгилangan тартибda ҳал этилади.

21. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

262 Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундиришни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомнинг 304-бандига мувофиқ олий ҳарбий таълим муассасасини битиргандан кейин ўқиши тугатгандан сўнг тузилган контракт бўйича кўзда тутилган муддат тугамасдан ҳарбий хизматни ўташдан бош тортган, шунингдек контракт шартларини бажармаганлиги, содир этган жинояти учун судланганлиги сабабли бўшатилаётган ёки бундай контрактни тузишдан бош тортган ҳарбий хизматчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ уни ўқитиш учун сарфланган бюджет маблағларини давлатга қоплаб бериши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

олий ҳарбий таълим муассасасига ўқиши киришдан олдин Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчи ёки офицерлар таркиби ҳарбий унвонига эга бўлмаган контракт бўйича ҳарбий хизматчи, уларнинг ота-оналари ёки ота-оналарининг ўрнини босувчи шахсларни моддий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш тартиби;

ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш миқдорлари, ҳарбий хизматчини олий ҳарбий таълим муассасасида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириб олиш тартиби, ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари ундирилмайдиган холатлар;

ҳарбий хизматчиларни ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ихтиёрий равища тўлаб бериш ҳамда тўланмаган бюджет маблағларини ундириш тартиби;

ҳарбий хизматчини олий ҳарбий таълим муассасасида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш ҳисобини юритиш ҳамда ундирилмаган бюджет маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқа манбаатдор

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 июлда эълон қилинган.

вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 22 июль,
398-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 22 июлдаги 398-сон қарорига
ИЛОВА

**Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим
муассасаларида ўқитишга сарфланган бюджет
маблағларини ундириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом олий ҳарбий таълим муассасаларида бюджет маблағлари ҳисобидан ўқиган ва ўқиши тамомлагандан сўнг тузилган контракт бўйича Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида, ҳарбий хизматни ўташ назарда тутилган вазирликлар ва идораларнинг марказий аппаратлари, ҳарбий округлари (бирлашмалари, бошқармалари), қўшилмалари, ҳарбий қисмлари, ҳарбий таълим муассасалари ва бошқа ҳарбий бўлинмаларида (кейинги ўринларда — ҳарбий қисмлар (муассасалар)) офицерлар таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни утаётган, шунингдек, ҳарбий хизматда қолдирилган ҳолда давлат органларига ва бошқа ташкилотларга хизматда сафарига юборилган ҳарбий хизматчиларга нисбатан татбиқ этилади.

2-боб. Ундириладиган бюджет маблағларининг миқдори

3. Ҳарбий хизматчини олий ҳарбий таълим муассасасида ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари, у резервга бўшатилган вактдаги:

- а) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида турт йиллик ўқиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 300 баравари;
- б) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тибиёт академиясида икки йиллик УКИШ УЧУН — базавий ҳисоблаш миқдорининг 650 баравари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида икки йиллик ўқиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 650 баравари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчик олий танк қўмондонлик мұҳандислик билим юртида:
- тўрт йиллик ўқиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 300 баравари;
- беш йиллик ўқиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 600 баравари;
- д) Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юртида:
- беш йиллик ўқиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 600 баравари;
- беш йиллик ўқиш (учувчилар таркибини тайёрлаш) учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 000 баравари;
- е) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академиясида беш йиллик ўқиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 600 баравари;
- ж) Амир Темур номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати академиясида турт йиллик УКИШ учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 300 баравари;
- з) Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида:
- тўрт йиллик ўқиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 300 баравари;
- беш йиллик ўқиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 600 баравари миқдорида ундирилади.

4. Ҳарбий хизматчиларни хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида (олий, олий ҳарбий ва бошқа таълим муассасаларида) ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда тузиладиган махсус контрактларда белгиланади ва мазкур Низомга мувофиқ умумий асосларда ундирилади.

3-боб. Ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш тартиби

5. Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш мазкур Низомнинг иловасига* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

* Илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишига киришдан олдин ўқишига киришга номзодлар, уларнинг ота-оналари ёки ота-оналарининг ўрнини босувчи шахслар (кейинги ўринларда — ота-оналар) Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 авгуустдаги 500-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетига номзодларни саралаб олиш ва ўқишига қабул килиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда 2021 йил 27 декабрдаги 775-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишига номзодларни саралаб олиш ва қабул килиш, курсантларни ўқишидан четлаштириш ва қайта тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда моддий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади.

7. Олий ҳарбий таълим муассасасида бюджет маблағлари хисобидан ўқиган ва уни тамомлагандан сўнг ҳарбий хизматни ўташ тўғрисида контракт тузган ҳарбий хизматчилар, унда кўрсатилган муддат тугамасдан ҳарбий хизматни ўташдан бош тортганлиги, ушбу контракт шартларини бажармаганлиги ёки содир этган жинояти учун судланганлиги сабабли унда кўрсатилган муддатдан илгари резервга бўшатилса, улардан ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари ундириб олинади.

8. Ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган ҳолатлар бўйича ҳарбий хизматдан бўшатиш ҳуқуқига эга мансабдор шахснинг ҳарбий хизматчини резервга бўшатиш тўғрисидаги буйруғида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш тўғрисида, тегишли командирнинг (бошлиқнинг) ҳарбий хизматчини ҳарбий қисм (муассаса) шахсий таркиби рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги буйруғида ҳарбий хизматчидан ундириладиган пул маблағларининг аниқ миқдори кўрсатилади.

Ҳарбий хизматчини ҳарбий қисм (муассаса) шахсий таркиби рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги буйруқ шу куннинг ўзида ушбу ҳарбий хизматчига етказилади ва унга ушбу буйруқнинг пул маблағларини ундиришга оид қисмидан кўчирма топширилади.

9. Ҳарбий хизматчидан ундириладиган бюджет маблағларининг миқдори ушбу Низомнинг 3-бандига мувофиқ ҳарбий хизматчи олий ҳарбий таълим муассасасини тамомлагандан сўнг у билан тузилган контрактда кўрсатилган муддатга пропорционал миқдорларда бўлинади ҳамда хизмат муддатининг ўталмаган қисмидан келиб чиқиб белгиланади.

10. Агар ҳарбий хизматчи ушбу буйруқлардан норози бўлса, белгиланган тартибда юқори турувчи командиргага (бошлиққа) ёки судга шикоят қилиши мумкин.

Бунда, юқори турувчи командирлар (бошлиқлар) ундирилиши лозим бўлган пул маблағларининг тўғри белгиланганлигини текширади.

Ҳарбий хизматдан бўшатиш ҳуқуқига эга мансабдор шахснинг ҳарбий хизматчини резервга бўшатиш тўғрисидаги буйруғининг ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш лозимлиги тўғрисидаги ва тегишли командирнинг (бошлиқнинг) ҳарбий хизматчини ҳарбий қисм (муассаса) шахсий таркиби рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги буйруғининг ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундиришга оид қисми белгиланган тар-

тибда бекор қилинган тақдирда, ҳарбий хизматчилардан ундирилган пул маблағлари тўловни амалга оширган шахсларга бюджет маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қайтарилади.

11. Ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари ҳарбий хизматчи ёки отаоналар томонидан ҳарбий хизматчини ҳарбий қисм (муассаса) шахсий таркиби рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги буйруқ ҳарбий хизматчига етказилган ва ушбу буйруқнинг пул маблағларини ундиришга оид қисмидан кўчирма берилган ёхуд почта, алоқанинг бошқа воситалари орқали ёзма ёки электрон шаклда юборилган кундан бошлаб ўттиз кун ичидаги бюджетга пул тўлаш орқали қайтарилади.

12. Ҳарбий хизматчиларни ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари жисмоний ва/ёки юридик шахслар (давлат органлари ва ташкилотлари бундан мустасно) томонидан ихтиёрий равишда тўлаб берилиши мумкин.

13. Ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган муддатда тўланмаган тақдирда, тегишли командирлар (бошлиқлар) ушбу бюджет маблағларини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан белгиланган тартибда судга мурожаат этади.

14. Ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари бюджетга тўланганлигини тасдиқловчи тўлов хужжатлари тўлов амалга оширилган кундан бошлаб уч иш кунида, мазкур Низомнинг 11 ва 12-бандларида кўрсатилган шахслар томонидан ҳарбий хизматчининг охирги хизмат жойи бўлган ҳарбий қисмга (муассасага) ёки яшаш жойидаги мудофаа ишлари органларига шахсан ёки почта ёхуд алоқанинг бошқа воситалари орқали тақдим этилиши лозим.

Бунда, мудофаа ишлари органлари томонидан тўлов хужжатлари, ушбу хужжатлар қабул қилиб олинган куннинг ўзида ҳарбий хизматчининг охирги хизмат жойига белгиланган тартибда етказилади.

15. Ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари кўйидаги ҳолларда ундирилмайди:

ҳарбий хизматчи контрактда кўрсатилган муддат тугаганлиги, соғлиғининг ҳолатига кўра, ташкилий-штат тадбирлари муносабати билан ундан хизматда фойдаланишининг имкони ўйқлиги ёки давлат сирлари билан ишлаш рухсатномасидан маҳрум қилинганлиги сабабли ҳарбий хизматданрезервга (истеъфога) бўшатилса (чиқарилса);

ҳарбий хизматчининг ота-онасидан бири ҳарбий хизматчи ёки ҳуқукни муҳофаза қилувчи органлар ходими бўлиб, ҳарбий хизмат мажбуриятларини (хизмат вазифаларини) бажараётган вақтда ҳалок бўлган бўлса;

ҳарбий хизматчи олий ҳарбий таълим муассасаларида бакалавриат дастури бўйича маҳсус сиртқи таълим шаклида ва магистратура мутахассисликлари бўйича таҳсил олган бўлса;

ҳарбий хизматчи ҳалок бўлганлиги (вафот этганлиги) муносабати билан ҳарбий қисм (муассаса) шахсий таркиби рўйхатидан чиқарилган бўлса.

16. Олий ҳарбий таълим муассасасини тамомлагандан сўнг тузилган биринчи янги контрактда кўрсатилган муддат (5 календарь йил) давомида ҳарбий қисмда (муассасада) ҳамда ҳарбий хизматда қолдирилган ҳолда хизмат сафарига юборилган давлат органларида ва бошқа ташкилотларда

харбий хизматни ўтаган ва ишлаган харбий хизматчи, уни ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини тўлашдан озод этилади.

17. Олий ҳарбий таълим муассасасини тамомлаган, шунингдек ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ҳарбий хизматдан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларнинг олий ҳарбий таълим муассасасини тугатганилиги ҳақидаги давлат намунасидаги дипломи ва унинг иловаси беш йил давомида тегишлича ҳарбий хизматчининг шахсий хужжатлари йиғма жилдида ҳамда резервга бўшатилган ҳарбий хизматчининг охирги хизмат жойи бўлган ҳарбий қисмнинг (муассасанинг) кадрлар бўлинмасида сақланади.

Олий ҳарбий таълим муассасасини тамомлагандан сўнг тузилган контрактда кўрсатилган муддат давомида ҳарбий хизматни ўтаган, шунингдек, ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини тўлик тўлаган ҳарбий хизматчига (ҳарбий хизматга мажбурга) олий ҳарбий таълим муассасасини тамомлаганилиги тўғрисидаги давлат намунасидаги диплом ва унинг иловаси, унинг ёзма мурожаатига асосан ўн беш кун ичida берилади.

Бунда, ўқитишга сарфланган бюджет маблағларининг ҳақиқатда тўланганилиги банк муассасаси ёки бошқа тўлов тизимлари орқали ҳарбий қисмнинг (муассасанинг) молия бўлинмаси томонидан белгиланган тартибда текширилиб, тасдиқланиши керак.

18. Ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини тўламаган ёки қисман тўлаган ҳарбий хизматга мажбурга, унинг ёзма мурожаатига асосан кейинчалик ишга жойлашиши учун олий маълумот тўғрисидаги маълумотнома (дипломнинг вақтингчалик берилмаслик сабаблари кўрсатилган ҳолда) ва ўқиш давомида ўзлаштирган ўкув фанлари рўйхати, ҳажми ҳамда баҳолари қайд қилинган диплом иловасидан кўчирма охирги хизмат жойи бўлган ҳарбий қисмнинг (муассасанинг) кадрлар бўлинмаси томонидан ўн беш кун ичida берилади.

19. Ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари ёки унинг ундирилмаган қисми ҳарбий хизматга мажбур ва ота-оналардан тўлик ундириб олингунга қадар ҳарбий хизматга мажбурнинг охирги хизмат жойи бўлган ҳарбий қисмда (муассасада) хисобда туради.

Ҳарбий хизматга мажбур ва ота-оналар вафот этган, қонуний кучга кирган суд қарорига кўра бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса, ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари ёки унинг ундирилмаган қисми ҳарбий қисм (муассаса) томонидан белгиланган тартибда хисобдан чиқарилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

20. Ушбу Низом талабларининг бажарилиши (ўқитишга сарфланган бюджет маблағларининг ундирилиши) устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибига кирувчи ҳамда ҳарбий хизматни ўташ назарда тутилган вазирликлар ва идораларнинг назорат-тафтиш (ички назорат) бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

21. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

263 Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Шундай тартиб ўрнатилинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб ички ишлар органлари фаолиятига босқичма-босқич «Е-патруль» тизими жорий этилиб, фуқаронинг шахсини аниқлаш учун ички ишлар бўлимига олиб бориш амалиётидан воз кечилади ҳамда барча маълумотлар жойида планшет орқали текширилиб, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати (кейинги ўринларда — патруль-пост хизмати) ходимларининг фаолияти «бодикамера»дан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши йўлга қўйилади.

2. Қуидагиларни назарда тутувчи Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларни электрон идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларнинг шахсини электрон техник воситалар, шу жумладан планшет орқали аниқлаш, ходимларнинг фуқаролар билан ўзаро мулоқотини қайд этиш бориш тартиби;

«Е-патруль» тизимидан фойдаланиш тартиби ҳамда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимларининг мазкур тизимдан фойдаланиш жараёнидаги мажбуриятлари;

патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари ҳаракатларини қайд этувчи техник воситалардан фойдаланиш, «бодикамера» орқали қайд этилган маълумотларни хисобга олиш ва саклаш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) уч ой муддатда:

планшет орқали фуқароларнинг шахсини аниқлашда фойдаланиладиган «Е-патруль» тизими техник топширифи, дастурий таъминоти ва мобиль иловасини ишлаб чиқсан ҳамда техник топшириқни «Киберхавфсизлик маркази» ДУКда экспертизадан ўтказиш юзасидан зарур чораларни кўрсинг;

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 июлда эълон қилинган.

техник топшириқ асосида белгиланган тартибда ишлаб чиқилған ахборот тизимини ишга туширишдан аввал тизимнинг техник топшириқ ҳамда ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертиздан ўтказиш, дастурий таъминот ва мобил илова жорий этилгунга қадар сертификатлаштиришни таъминласин;

б) икки ой муддатда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари учун «Е-патруль» тизими, планшет ва «бодикамера»лардан фойдаланиш бўйича мавзули ўқув-семинарларни ташкил этсин;

в) «Е-патруль» тизими ва техникалари, «бодикамера»лар ва планшетлар созлиги, электрон ахборот тизимлари ва дастурий таъминотнинг хавфсизлигини ҳамда доимий янгиланиб борилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, «Е-патруль» тизими фаолиятини рақамлаштириш учун зарур компьютер техникалари ва бошқа ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 22 июль,
399-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 22 июлдаги 399-сон қарорига
ИЛОВА

**Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф
бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида
фуқароларни электрон идентификация қилиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ички ишлар органлари патруль-пост хизмати (кейинги ўринларда — патруль-пост хизмати) саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларнинг шахсини электрон техник воситалар, шу жумладан планшет орқали аниқлаш, шунингдек, патруль-пост хизма-

ти саф бўлинмалари ходимларининг (кейинги ўринларда — ходимлар) фуқаролар билан ўзаро мулоқотини қайд этиб бориш тартибини белгилайди.

2. Ходимлар томонидан жамоат жойларида фуқаролар шахсини электрон техник воситалар, шу жумладан планшетлар орқали аниқлаш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари, шунингдек, ушбу Низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«Е-патруль» тизими — текширилаётган шахсни планшет орқали бармоқ изларини планшетнинг махсус сканери ёрдамида, агар бармоқ излари билан идентификация қилиш имкони бўлмаса, юз тузилиши (юзнинг олд томони)ни расмга олиш орқали реал вақт режимида текшириш, тегишли маълумотларни шакллантириш, тўплаш, умумлаштириш, саклаш, шунингдек, ваколатли давлат органлари ўртасида идоралараро ахборот алмашиб нинг марказлаштирилган электрон тизими;

бодикамера — жамоат жойларида атрофдаги вазиятни, фуқароларнинг ҳаракатлари ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳукуқбузарлик ҳолатларини ходимлар томонидан хизмат вазифаларини бажариш вақтидаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни аудио-, видео ёзув шаклида қайд этувчи ускуна;

планшет — маълумотлар базаси ахборот тизимида интеграция қилинган техник восита бўлиб, шахсни биометрик идентификацияси (бармоқ изи ёки юз тузилиши)ни электрон равишда олиб, унинг шахсига оид (судланганлиги, кидирудалиги, профилактик, пробация ва маъмурий назорат ҳисобида туриши ва бошқа) тезкор маълумотларини мобиль ҳолатда жойида текшириш воситаси.

4. Бодикамера орқали ёзиб олинган аудио-, видео ёзувлардан профилактик тадбирларда жамоат жойларида шубҳали ҳаракатлар содир этаётган фуқароларни текшириш, содир этилиши мумкин бўлган ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашда ашёвий далилларни тўплаш, шунингдек, масъул раҳбарлар томонидан ходимларнинг хизмат ўташ жараёнини текшириш ҳамда назорат қилиш мақсадида фойдаланилади.

5. «Е-патруль» тизими орқали фуқаронинг шахсга доир маълумотлари (фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, тугилган санаси) ҳамда ҳукуқбузарлик ёки бошқа (судланганлиги, кидирудалиги ёки профилактик, пробация ёхуд маъмурий назорат ҳисобида туриши ва бошқалар) маълумотлари жойида текширилиб, тезкорлик таъминланади, ортиқча оворагарчиликка йўл қўйилмайди.

Бунда фуқароларнинг шахсини бармоқ излари ёки юз тузилиши орқали идентификация қилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг сервер қурилмаларидан фойдаланилади.

6. «Е-патруль» тизимининг худудларда ишга туширилиши, унинг сифат-

ли фаолият кўрсатиши учун алоқа каналлари узлуксиз ишлашини таъминлашга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги масъул ҳисоблашади.

Ходимлар томонидан фуқаронинг шахсини аниқлашга доир маълумотлар электрон тизим орқали рўйхатдан ўтказилган вақтнинг ўзида «Е-патруль» тизимига автоматик равишда бу ҳақда хабар юборилади.

7. «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ходимга бириктирилган планшет орқали маълум бўлган шахсга доир маълумотлар ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

8. Ходимлар қўйидаги ҳолларда фуқароларни тўхтатиши ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки «Е-патруль» тизими орқали уларнинг шахсини аниқлаши мумкин:

шахс жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд қидирудава деб гумон қилиш учун асослар мавжуд бўлганда;

шахсни содир этилган жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида маълумотга эга деб ҳисоблаш мумкин бўлганда;

қонунчиликка мувофиқ шахсни ушлаб туриш учун бошқа қонуний асослар мавжуд бўлганда.

Ходим шахсни тўхтатиб, ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни ва «Е-патруль» тизими орқали унинг шахсини аниқлашни талаб қилганда шахсга уни тўхтатганлик ҳамда ундан шахсини аниқлаш талаб этилаётганлиги сабаблари ва асосларини тушунтириб бериши шарт, бундан хизмат доирасидаги маълумотлар мустасно.

9. Ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган фуқаро қўйидаги ҳолларда шахсига аниқлик киритиш учун ички ишлар органларига олиб борилади:

унинг шахсини планшет орқали аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда;

қидирудава бўлган ёки бедарак йўқолган шахслар аниқланган ҳолларда;

шахсига аниқлик киритиш жараёнида қаршилик кўрсатган ҳолларда;

жамоат жойларида ҳуқуқбузарлик содир этиш вақтида ушланган ҳолларда (жойида маъмурий баённома тузиладиган ҳоллар бундан мустасно).

10. «Е-патруль» тизими ҳимояланган тармоғида ишлайди ва маълумотлар архиви (иш ҳужжатларининг электрон шакли) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сервер қурилмаларида сақланади.

11. «Е-патруль» тизимининг техник ва дастурий таъминоти, шу жумладан «бодикамера» ва планшетлар созлиги, электрон ахборот тизими ва дастурий таъминот ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва янгилаб бориш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

2-боб. «Е-патруль» тизимидан фойдаланиш тартиби

12. Ходимлар томонидан «Е-патруль» тизими орқали фуқароларнинг шахсини аниқлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

фуқаро сұхбатлашишдан олдин ходим ўзини таништиради ва хизмат гувоҳномасини кўрсатиш талаб этилган ҳолларда ходим томонидан хизмат гувоҳномаси фуқарога тўлиқ танишиб бўлгунга қадар кўрсатилади (бироқ гувоҳномани фуқарога бериш тақиқланади);

фуқаронинг шахсига аниқлик киритишида, муомала маданиятига риоя қилган ҳолда «Е-патруль» тизими орқали идентификациялаш учун планшет ёрдамида шахснинг бармоқ излари планшетнинг маҳсус сканери ёрдамида, агар бармоқ изи билан идентификация қилиш имкони бўлмаса, унинг юз тузилиши (юзнинг олд томони) расмга олиш орқали текширилади;

мулоқотга киришаётганда ходим ҳушёрликни йўқотмасдан, ўзини оғир, вазмин тутиб, ҳар қандай кутилмаган ҳаракатга тайёр туриши лозим;

сұхбат жараёнида ходим шахсга нисбатан хурматсизлик деб қабул қилиниши мумкин бўлган ножӯя хатти-харакатларни содир этиши шу жумладан уяли алоқа воситаси орқали сұхбатлашиши мумкин эмас;

такдим этилган хужжатларни эҳтиёткорлик билан кўздан кечиради, хужжатларни текшираётганда унинг ичидаги ишга тааллуқлиги бўлмаган буюмлар бўлса, уларни эгасига қайтаради (муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган нарсалар бундан мустасно).

13. Ходимларга бириктирилган планшетлар доимий равишда соз, батарея қуввати тўлдирилган ва дастурий-техник таъминоти ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

14. Ходимларга планшетлар «Е-патруль» тизимида кириш учун мўлжалланган логин ва пароль билан биргаликда бириктириб берилади.

15. Ходимлар хизмат вазифаларидан бўшатилганда планшет тегишли моддий-техник таъминот учун масъул ходимга топширилади.

16. Ходим ўзига бириктирилган планшетни иш вақти тугаганидан сўнг (ёхуд бошқа сабабларга кўра планшетдан фойдаланиш зарурати мавжуд бўлмаган ҳолларда) ички ишлар органи раҳбари белгилаган жой (масъул ходим)га топширади ҳамда ушбу жой (масъул ходим)дан қабул қилиб олади.

3-боб. Ходимларнинг ҳаракатларини қайд этувчи техник воситалардан фойдаланиш тартиби

17. Бодикамера ходим кўкрак соҳасининг елка қисмига яқин жойга тақилади, шунингдек, маҳсус жилет ва плашга, хизмат вазифасини бажараётган ва профилактик тадбир ўтказаётган ходим ҳаракатларига халақит бермайдиган қилиб жойлаштирилади, шунингдек, давлат тилида: «Диққат! Аудио ва видео ёзиб олинмоқда», рус тилида: «Внимание! Ведется аудио и видеозапись», инглиз тилида: «Attention! Audio and video recording in progress» ёзувлари акс эттирилади.

18. Бодикамерани ёқиш ходим хизмат вазифаларини бажаришга киришган вақтдан амалга оширилади ва хизмат вақти тугагунга қадар бодикамера ишчи режимда бўлади.

19. Бодикамерани рухсатсиз ечиб ташлаш, ўчириш ва аудио-, видео ёзувг тўқсинглил қилиш мумкин эмас.

20. Дам олиш, овқатланиш вақтида факат навбатчилик қисми ёки бевосита бошлиги (командир)нинг рухсати билан аудио-, видео ёзув олиб борилишини вақтинчалик тўхтатади ва бу ҳақда «бодикамера»ларни бериш ҳамда қабул қилишни қайд этиш автоматлаштирилган дастурий таъминотига тегишли ёзувлар киритади.

21. Бодикамерада носозликлар ёки аккумулятор қуввати тугаганда ходим дарҳол навбатчилик қисми ёки бевосита бошлиги (командир)га ҳабар беради ва бу ҳақида дастурий таъминотига тегишли ёзувлар киритади.

Бунда, навбатчилик қисми ёки бевосита бошлиқ (командир) ушбу ҳолатни текшириш ҳамда имкон даражасида носозликларни бартараф этиш учун жавобгар шахс — администраторни юборади.

22. Хизмат вазифасини бажариш вақтида фуқаролар билан низоли ёки мунозарали вазиятлар юзага келгандан, жиноят ёки маъмурий хукуқбузарликлар ҳамда судланган ва назорат остидаги шахслар томонидан қоидабу-зарликлар содир этилган ҳолатлар тўғрисида навбатчилик қисмига ёки бевосита бошлиги (командир)га ўрнатилган тартибда воқеа ҳақида билдири-ги билан ахборот беради ва навбатчилик қисмида мониторинг гурухи то-монидан дастурий таъминотга тегишли ёзувлар киритилади.

Билдириг ёки видеоёзувлар асосида қайд этилган маълумотлар бўйича масъул ходимлар томонидан қонуний қарор қабул қилиш мақсадида, ўрганиб чиқиш учун улар «Е-патруль» тизимининг умумий сақлаш хотираси-дан, хукуқбузарликларнинг турларига кўра, «Е-патруль» тизимининг диф-ференциал захира хотирасига кўчирилади.

4-боб. Бодикамералар орқали қайд этилган маълумотларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби

23. Бодикамерани бериш ва топширишни қайд этиш автоматлаштирил-ган дастурий таъминот орқали амалга оширилади.

Автоматлаштирилган иш жойлари ва ундаги дастурий таъминотда иш-лаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

24. Бодикамера билан олинган аудио-, видео ёзувлар махсус ва ёрдам-чи қурилмалар орқали автоматик тартибда кўчириб олинади.

25. Маълумотларни сақлаш серверига кўчириб олиш жараёни бодика-мера аккумулятори қувватланиш вақтида автоматик тартибда амалга оши-рилади.

26. Олинган аудио-, видео ёзувлар қўйидаги муддатларда сақланади:
жиноятлар бўйича — 5 йил;

маъмурий хукуқбузарликлар ва назорат текширув тадбирлари бўйича — 1 йил;

жиноят ва хукуқбузарликлар аломатларини ўз ичига олмаган бошқа ҳолатлар бўйича — 1 ой.

5-боб. «Е-патруль» тизимидан фойдаланишда ходимнинг мажбуриятлари

27. Ходим томонидан фуқаронинг шахсига аниқлик киритиш тўғрисидаги қонуний талабларини барча давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан амалга оширилади.

28. Фуқароларнинг шахсига доир маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми ва тугилган санаси)ни планшет орқали «Е-патруль» тизимига тўғри киритилишига ходим (патруль-пост хизмати ходими) масъул ҳисобланади.

29. Ходим «Е-патруль» тизимидағи шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этилмаслиги ҳамда ушбу маълумотлардан ғаразли мақсадларда фойдаланилмаслик учун жавобгардир.

30. Ходим планшет ёки бодикамерадан эхтиёткорона фойдаланиши керак, шунингдек, уни ўзга шахсларга бериши мумкин эмас.

31. Планшет ёки бодикамера ходимнинг масъулиятсизлиги оқибатида йўқолган, учинчи шахсларга берилган, қасдан нобуд қилинган, унга ўрнатилган дастур ва иловалар қасдан яроқсиз ҳолга келтирилган тақдирда, етказилган зарар бириктирилган ходим ҳисобидан тўлиқ қопланади.

Бунда, ходим ноқонуний хатти-харакатларини яшириш ёки бошқа мақсадларда қасдан қилган ҳаракатлари оқибатида ушбу воситаларга шикаст етказса, қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

32. Бодикамера носозлиги ёки қуввати тугаганлиги ходимга маълум бўлган, ходим ушбу камчиликни дарҳол бартараф этиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда, ўзининг ёки бирга хизмат ўтаётган ҳамкасбининг уяли алоқа воситасидан, бодикамерадан ҳамда бошқа видеоёзув ускуналаридан фойдаланган ҳолда низоли ҳолатни акс эттиришнинг чораларини кўриши лозим.

6-боб. Якунловчи қоида

33. Планшет ва бодикамерадан фойдаланиш борасида ушбу Низомда назарда тутилмаган масалалар қонунчилик хужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли хужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

